БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 256 (3757). 11 ШАНБА НОЯБРЬ 1978 й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

КАМ МАБЛАҒ САРФЛАБ, КЎПРОҚ СИФАТЛИ МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРАЙЛИК

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

▲ Урток Л. И. Брежнев Ленин орденли Новолипецк металлургия заводида 6-домна печи комплексини бунёд этишда иштирок этган қурувчиларни, монтажчиларни, машинасозларни, металлургларни, лойиҳачиларни, қурилишнинг барча қатнашчиларини катта меҳнат ғалабаси— кучли домна печини муддатидан илгари ишга тушириш бўйича социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажарганликлари билан самимий табриклайди.

▲ Вьетнам Компартияси Марказий Комитетининг Бош секретари Ле Зуан ва ВКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ВСР ҳукуматининг Бош министри Фам Ван Донг бошчилигидаги Вьетнам Социалистик Республикаси партия-ҳукумат делегацияси 10 ноябрь куни Тошкентдан Ханойга жўнаб кетди.

▲ «Ўзбекистон» нашриёти Л. И. Брежнев эсдаликлари учинчи китоби — «Қўриқсиз ўзбек тилида босиб чиқарди. Китоб оммавий тиражда нашр этилди.

МАЖБУРИЯТ ҲИСОБИГА

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 61 йиллигини муносиб меҳнат армуғонлари билан кутиб олган кўн-галантерея фабрикаси коллективи

БУГУН

маҳсулот реализация қилиш бўйича 1978 йилнинг ўн бир ойлик топшириғини адо этди.

«Зарбдор йилга — зарбдор якун» шиори остида мардона тер тўккан маҳаллий саноатчилар коллективи ишлаб чиқариш графигидан бир ярим ой илгарилаб кетди. Ўн ой мобайнида фабрика меҳнат аҳли пландаги 2 миллион 906 минг ўринга 3 миллион 44 минг сўмликдан зиёд маҳсулот реализация қилишга муваффақ бўлди.

Эниликда кўн-галантерейачилар бор имкониятларини ишга солиб, йиллик планни ва социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажариш учун кўшимчалар.

Коллектив ютуғига йиллик топшириқни бажарган Сафо Шермуҳамедов бошлиқ эган-кабдуқ цехи салмоқли ҳисса қўшди.

ПЛАНДАН ТАШҚАРИ

Электрон техника заводининг Таисия Ивановна Филатова бошлиқ йиғув участкаси коллективи Октябрь байрамигача пландан ташқари 200 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Бу шу йил учун социалистик мажбуриятда белгиланганидан икки баравар кўп.

Коммунист Филатова бошчилик қилаётган участка коммунистик меҳнат коллективи номини олиш учун курашмоқда. 150 дан кўпроқ киши ҳозирнинг ўзидаёқ коммунистик меҳнат зарбдори деган номга сазовор бўлди. Участкада қолоқлар йўқ — ҳамма норманы бажармоқда. Тажрибали мураббийлар шу ҳақда ғамхўрлик қилмоқдалар. Ўлар ёш ишчилар — Наташа Халилова, Лариса Мартьянова, Лена Шувалова, Ира Лийворенколар бир неча касбларни эгаллашлари учун кўмаклашдилар. Участкада «Шахсий беш йиллик планини В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигига бажарамиз» шиори остида ишчилар ҳаракати тобора кенг ёйилмоқда.

Бу коллективларда маҳсулот сифатини ошириш учун мусобақа ҳам кенг авж олдирилган. Бу ерда сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш проценти бутун заводдагига қараганда энг юқори эканлиги бежиз эмас. Энг яхши ходимлардан ўн беш кишига йиққан электр қурилмаларига ўзини ўзи контроль қилишнинг шахсий тамғасини қўйиш фахрий ҳуқуқи берилди. Бундай маҳсулот техника контроли бўлимига юборилмай, тўппа-тўғри буюртмачига жўнатилади.

(ЎзТАГ).

СТУДЕНТЛАР ҚУВОНЧИ

БУГУН

Сариқўл кўчасида тўрт қаватли ётоқхона бинои фойдаланишга топширилди.

Бу бунода Тошкент индустриал педагогика техникумининг студентлари истиқомат қилишади.

— Объект қурилиши да 5-қурилиш бошқармасининг Б. Федисловмов бошлиқ комплекс бригадаси унумли меҳнат қилди, — дейди «Главташкентстрой» га қарашли 3-қурилиш трести меҳнат ва иш ҳақи бўлимининг бошлиғи М. Заединов. — Бу бригада Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Николай Злобиннинг бригадаси ҳисобига ишлаётир.

КЎРКАМ БИНО

1 Май кўчасида яна бир кўркам бино қад кўтармоқда. У «Узгипротехсёт» лойиҳа институтининг 7 қаватли янги бинои бўлиб, объектда «Главташкентстрой» II-«Висотстрой» трести 69-қурилиш бошқармаси. синининг Н. Файзуллаев бошлиқ комплекс бригадаси меҳнат қилмоқда.

Бригада аъзолари янги прогрессив усуллар. ни кенг жорий этиш туфайли кунлик топшириқларини 120-130 процент бажаришга муваффақ бўлишаётир.

— Коллективимиз барча умумий қурилиш ишларини шу йил охирига битказиб, пардозчиларга иш жабҳасини тайёрлашга аҳд қилган, — дейди бригада етакчиси Н. Файзуллаев.

— Шунинг учун ҳам кун сайин тез ва сифатли ишлашга ҳаракат қилмоқдамиз.

КИЧКИНТОЙЛАР УЧУН

Н. А. Семашко номидаги курортология ва физиотерапия илмий-текшириш институти ёнида 150 ўринли физиотерапевтик касалхона қурилмоқда. Бу ерда болаларни минерал сув, шифобахш балчиқ, электр ёритгичлар билан даволаш мумкин. Болаларнинг жисмоний чиниқишлари, дам олишлари учун майдончалар, парклар барпо этилади.

Объектда «Главташкентстрой»га қарашли 6-қурилиш трести 70-қурилиш бошқармасининг А. Погреботько бошчилигидаги комсомол-ёшлар бригадаси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Н. Злобин усулида меҳнат қилмоқда.

Қурувчилар касалхона биносини келаси йил охирига қадар фойдаланишга топширишга қарор қилишган.

Н. ҚУЧҚОРОВ.

ТОШКЕНТ — МАМЛАКАТГА

ЯНГИ БОСМАХОНА

Келгуси йилдан бошлаб Куйбишев шаҳрида янги замонавий полиграфия корхонасининг биносини бунёд этиш ишлари бошланади. Маълумки, ана шу кўҳна шаҳарда ишлаб турган ҳозирги матбаачилик корхонаси асримизнинг бошида қурилганди.

Бутуниттифоқ полиграфия корхоналарини лойиҳалаш ва илмий текшириш институтининг Тошкент филиали мутахассислари Куйбишев шаҳридаги биринчи босмахонанинг янги лойиҳаларини ишлаб чиқдилар. Шаҳримиз мутахассисларининг тавсиясига кўра бунёд этиладиган янги корхонада ҳозирги замон полиграфиясининг барча талабларига жавоб берадиган ишлаб чиқариш жараёни ташкил этилади. Янги босмахонада бир йилда 120 миллион нусха полиграфия маҳсулоти ишлаб чиқарилади. Беш қаватли ишлаб чиқариш корпусида замонавий полиграфия машиналари ва ускуналари ўрнатилади, маъмурий бинода хизматчилар ва ишчилар учун қўшимча қулай шароитлар яратилади. Қурилиш ишлари учун 1,5 миллион сўм ажратиш мўлжалланган.

ИСТЕЪМОЛ БУЮМЛАРИГА — КЕНГ ЙЎЛ

АҲОЛИГА ТАҚДИМ ЭТИЛАДИ

Халқ истеъмоли моллари энг яхши намуналари Бутуниттифоқ доимий павильонининг Ўзбекистон филиали фонди энг янги буюмлар билан бойиб бормоқда.

Жаҳоннинг турли мамлакатларида ва мамлакатимизнинг марказий шаҳарларидаги корхоналарда ишлаб чиқарилаётган истеъмол буюмларининг энг чиройли намуналарини ишлаб чиқаришга бердилар.

Филиал ходимлари шу йилнинг ўзидаёқ 600 хилдан ортиқ кийим-кечак, пойафзал, сумкалар, чинни идишлар ва бошқа буюмларнинг намуналарини ишлаб чиқаришга бердилар.

Филиал ташаббуси билан ташкил этилаётган тематик кўргазмалар корхоналарда, қурилишларда, муассасаларда намойиш этилмоқда. Шаҳримизнинг «Миконд» заводида, «Қизил тонг» тикув ишлаб чиқариш бирлашмасида, консерва заводида ва Ўрта Осиё республикаларининг корхоналарида намойиш этилган 30 дан ортиқ кўргазма ишлаб чиқариш учун фойдали бўляпти.

✦ ҚИШЛОҚҚА МАДАНИЙ ХИЗМАТ

ДАЛА ШИЙПОНИДА УЧРАШУВ

Куни-кеча пойтахт областининг Пскент районидаги Ленин номли колхоз дала шийпонида пахта усталари билан санъаткорларнинг бўлиб ўтган учрашуви колхозчилар хотирасида узоқ вақтларгача сақланиб қолади. Бу ерга Ўзбекистон ССР Театр жамияти правленесининг ташаббуси билан пойтахтдаги катта санъат даргоҳларининг маданият арбоблари меҳмат қилдилар. Қишлоқ меҳнаткашлари ана шу жамиятнинг раиси, СССР халқ артисти Зикир Муҳаммаджонов, СССР халқ артистлари М. Турғунбоева, Р. Ҳамроев, Ўзбекистон ССР халқ артистлари Қ. Хўжаев, С. Табибуллаев ва бошқаларни самимий кутиб олдилар.

Санъаткорлар шу кунларда республикамиз меҳнаткашларининг катта меҳнат жасорати ҳақида завқ билан гапириб бердилар. Шундан кейин ёзувчилар Ёнғин Мирзо ва Ҳайдар Муҳаммад ўзларининг янги шеърларини ўқиб, пахтакорларни мамнун этишди.

Учрашувда «Баҳор» халқ рақс ансамблининг рақкоса қизлари ижросида концерт берилди.


АЪЛО СИФАТДА

Енгил металл конструкциялари заводида пайвандчилар Ю. Будняев, Н. Краюшкин, машинист М. Литвинова, слесарь В. Наумов машъал ишчилардан ҳисобланишади. Бу илғорлар шу йил бошида СССР Конституциясининг бир йиллиги шарафига беш йилликнинг уч йили топшириғини бажаришга аҳд қилишганди. Илғорлар ваъдаларига вафо қилишди. Улар ҳозир ҳам смена топшириқларини мунтазам 130—135 процент адо этишяпти.

Завод партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари план ва социалистик мажбуриятларини муваффақиятли адо этишда мана шундай меҳнат пешқадамларига таянишяпти, уларнинг сафини кенгайтиришга ҳаракат қилишяпти. Бунинг натижаси ёмон бўлмаяпти. Корхонада йил бошидан бери 420 тадан ортиқ аъло сифатли металл конструкция тайёрланиб, ўн ойлик топшириқ муддатидан аввал адо этилди. Бу конструкциялар буюртмачиларга ҳам манзур бўлди.

Завод буюртмачилари орасида мамлакатимизнинг турли шаҳарларидаги корхона ва ташкилотларни кўриш мумкин. Ўтган йили Польша, Болгария Халқ Республикаларидан келган буюртмачилар ҳам бажарилди.

ТОШКЕНТ МЕТРОПОЛИТЕНИ ИККИНЧИ НАВБАТИ ҚУРИЛИШИДА





АҲДГА ЯРАША

Тошкент метрополитени иккинчи навбатининг «А. Пушкин майдони» бекатида қурилиш ишлари жадал суръатларда бажарилаяпти. Тошкент метро қуриш трести 1-қурилиш-монтаж бошқармасининг Ленин ордени кавалери Иван Лисий бошлиқ бригадаси станция қурилишида ибрат кўрсатаётган коллективларнинг бири.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Н. Злобиннинг бригада пудрати усулида ишлаётган коллектив октябрь ойи планини 26 октябрда уддалади. Бунга В. Игошин, М. Полевин, В. Панов каби лаҳмчилар катта улуш қўшишди.

СУРАТЛАРДА: қурилишда ибрат кўрсатиб ишлаётган бригада етакчиси И. Лисий (чапдан) лаҳмчилардан М. Половин, В. Пановга йўл-йўриқ кўрсатмоқда. Иккинчи суратда ёш бўлишига қарамай пешқадамлар сафидан ўрин олган В. Игошин тасвирланган.

Х. Мирзакаримов

фотолари.

СОВЕТ МИЛИЦИЯСИ КУНИГА БАҒИШЛАНДИ

10 ноябрь куни Тошкентда совет милициясининг 61 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. Милиция ходимлари, ҳуқуқ-тартибот хизматининг ветеранлари, шаҳар партия, совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари пойтахтдаги «Баҳор» концерт залига келдилар.

Йиғилишда Ўзбекистон ССР ички ишлар министри Ҳ. Ҳ. Яҳёев доклад қилди.

(ЎзТАГ).

Тошкентни боғ-роғлар шаҳрига айлантирамиз

КЎЧАЛАР КЎРКАМ БЎЛАДИ

Собир Раҳимов райони меҳнаткашлари шаҳримизда бошланган кўчат ўтқазиш ойлигига қизғин тайёргарлик кўришди. Бу сафар район меҳнаткашлари 76 минг туп дарахт ва яшил тўсиқ ўтқазишади. Беруний майдони ва 10-шаҳар касалхонаси атрофида янги ҳиёбонлар ташкил қилинади.

Ҳозир район ободончилари Софил проспектидаги икки кўчани бир-биридан ажратиб турувчи кўркам аллея ўртасидаги дарахтларга шакл беришмоқда ва ўтқазиладиган кўчатларга чуқурчалар ҳозирлашмоқда. Район йўлсозлари эса Қорасарой, Сағбон кўчаларини ремонтдан чиқариб, асфальт ётқизишмоқда. Бу ерда 22 минг квадрат метр майдонга асфальт ётқизилади.

ОБОД БЎЛМОҚДА

Шаҳримизда бошланган кўчат ўтқазиш ойлигида Киров район меҳнаткашлари 24 минг туп дарахт, 52,3 минг дона яшил тўсиқ ўтқазишади. Ҳозир райондаги Юнусобод массивида ва бир қанча кўча, проспектларда ана шу кўчатларни ўтқазиш учун чуқурчалар қазилмоқда. Район ободончилари метро станцияларининг атрофи янада кўркам бўлиши учун жонбозлик кўрсатиб хиёбонлар барпо этишмоқда. Бундан ташқари ана шу хиёбонлар атрофига чим ва бетон плиткалар ётқизилмоқда.

Ҳозир райондаги бир қанча кўчалар тўла ремонтдан чиқарилиб асфальт ётқизилмоқда. Хидирали Эргашев номли кўчанинг 600 квадрат метрига асфальт ётқизилди, янги ирригация шахобчаларини ва неон чироқлари ўрнатилмоқда.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

▲ **БУДАПЕШТ.** Венгрия химия саноати объектлари харитасида янги корхона пайдо бўлди. Тармоқнинг йирик корхоналаридан бири—Ленворошдаги Тисай химия комбинатида пластмассани қайта ишлайдиган янги завод фойдаланишга топширилди. Комбинат беш йиллик охирига бориб, умумий ҳажми 80 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқаради.

▲ **БЕРЛИН.** Бу ерда «Революция ва реализм» шиори остида 1917— 1933 йиллардаги немис тасвирий санъати асарлари кўргазмаси очилди.

Кўргазмага 300 автор-нинг 700 га яқин сурат, гравюра, плакат ва ҳайкаллари қўйилган. Бу авторлар Улуғ Октябрнинг ва Германияда революцион ҳаракат ўсишининг бевосита таъсири остида ўз ижодларини ишчилар синфининг кураши ишига бағишладилар. Экспонатлар орасида К. Кольвиц, О. Дикс, Э. Барлах ва бошқа таниқли санъаткорларнинг асарлари бор.

▲ **ВАШИНГТОН, АҚШ.** Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари улгуржи нархларининг ўсганлиги қайд қилинди. Ҳозирги вақтда озиқ-овқат маҳсулотларининг улгуржи нархи бир йил аввалдагига нисбатан 23 процент юқори.

Бугдой нархи айниқса ошди (сентябрь ойидагига нисбатан 5,6 процент), қорамол нархи 4 процент, озуқа, айниқса дуккакли экинлар озуқаси 3,5 процент ва сут маҳсулотлари 2 процент кўпайди.

Улгуржи нархларнинг ўсиши озиқ-овқат маҳсулотлари чакана нархининг кўпайишига муқаррар сабаб бўлмоқда ва АҚШда инфляциянинг асосий «ҳаракатлантирувчи кучларидан» биридир. Ҳозирги вақтда инфляциянинг ўсиш суръатлари қарийб 10 процентни ташкил этади.

▲ **АДДИС-АБЕБА.** Аддис-Абеба университети тараққиёт манфаатлари йўлида ҳамма билим олишга ҳақлидир, деган программага амал қилмоқда. Мамлакатдаги энг йирик ўқув юртларидан бири бўлган ана шу университет раҳбарларидан бири Абраҳам Бисрат шу гапни айтди. У Эфиопияда миллий кадрлар тайёрлаш учун ўз ўқитувчиларини юборган социалистик мамлакатларга, аввало Совет Иттифоқига миннатдорчилик изҳор этди.

▲ **ТОКИО.** Японлардан 13 миллиондан кўп, роқ киши турли касалликлар билан оғримоқда. Соғлиқни сақлаш ва социал таъминот министрлигининг бу эрда эълон қилинган ҳар йилги докладида ана шу маълумотлар келтирилган. Мамлакатдаги 10 та энг йирик шаҳарда, шу жумладан Токио ва Осакада касалларнинг айниқса нўл эканлиги қайд қилинган.

Маҳаллий матбуот атроф-муҳитнинг ифлос. лиги, озиқ-овқат маҳсулотларининг етишмаётганлиги, шунингдек ишлаб чиқаришда ишлатиладиган заҳарли моддаларнинг кўплиги оқибатида аҳолининг касал бўлишига асосий сабаб эканлигини таъкидламоқда.

(ТАСС).

СССР Давлат мукофоти лауреатлари ҳақида ҳикоя қиламиз

Бетончилар бригадири Исмоил Орипов



Мамлакатимизнинг меҳнатда ғоят катта муваффақиятларга эришган 180 ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари шонли революцион байрам арафасида СССР Давлат мукофотига сазовор бўлдилар. Улар ишлаб чиқаришда улкан зафарларни қўлга киритганликлари, илғор тажрибани жорий этганликлари, машина ва механизмлардан яхши фойдаланганликлари учун юксак мукофот билан тақдирланишди.

Ана шундай ҳурмат ва эҳтиромга муяссар бўлганлар орасида ҳамшаҳримиз — Тошкент шаҳри қурилиши Бош бошқармасига қарашли 1-уйсозлик комбинати йирик панелли уй қуриш заводи бетончилар бригадасининг бошлиғи Исмоил Холматович Орипов ҳам бор.

Кеча тонгда заводда бўлдик. Исмоил Орипов кўтарма кранда бугдонда қуритилган панелни олаётган экан. У кранни усталик билан юргизиб, қатор тахлаб қўйилган девор панелларни олдига олиб келди. Бир четдан унинг аниқ ҳаракатларини кузата бошладим. 40 ёшлардаги, чекка сочларига оқ оралаган, қорамағиздан келган йигит бамайлихотир берилиб ишларди.

Худди куни кеча унинг ҳаётида ҳеч қандай воқеа содир бўлмагандек, бугун уни ҳеч ким гуллар билан кутиб олмагандек эди. Бугунги кунда унинг номини комбинат ишчиларигина эмас, ҳатто мамлакатимиз бинокорлари фахр билан тилга олишмоқда. Лекин бугун бу донгдор бригадир учун ўн саккиз йилдан бери такрорланаётган оддий иш кунларининг бири эди.

Исмоил ака кранни пролетинг бошқа томонига олиб ўтгач, қолипларга бетон қоришмаси шарақлаб тушаётган, электр зичлагичларнинг ғичир-ғичири, пайванд аппаратларининг шовқини янграётган цехда суҳбат қурдим.

— СССР Давлат мукофотига сазовор бўлганингиз ҳақидаги хабарни эшитганингиздан кейин дастлаб нималар ҳақида ўйладингиз?

— Байрамдан олдинги кун эди. Соат учларда эшик тақиллаб қолди. Чиқсам, комбинат касаба союз комитетининг раиси Абдуллажонов экан. Кира солиб, менга мукофот берилганлигини айтиб, табриклади. Кейин турмуш ўртоғим Нурияни, фарзандларим Румия, Флора, Рафаэл муборакбод этишди. Ўша пайтда ҳаяжонининг зўрлигидан кўнглимдан нималар кечгани эсимда йўқ. Аммо кейинроқ кўз олдимга дадам, бригадамизнинг аъзолари келди. Совет Армияси сафидан қайтгач, нима иш билан шуғулланишга ҳайрон бўлиб юрганимда дадам — 2-темир-бетон буюмлари заводи бетончисининг маслаҳатига кўра, шу касбни танлаган эдим. Бундан ташқари опам Розия Орипова ҳам бетончи эди. У ҳозир ҳам Бектемирдаги темир-бетон буюмлари заводида ишлайди. Қурувчилик касбини эгаллашимда уларнинг таъсири бўлган. Мукофотга муносар бўлишимда эса бригадамиз аъзоларининг ҳам ҳиссалари катта.

— Бригадангиз ҳақида сўзлаб берсангиз.

— 1966 йилда менга қурувчилик касбини ўргатган Ким Хва бошқа ишга ўтгач, бригадошларим ўзларига етакчи қилиб тайинлашган эди. Ҳозир бригадамизда тўққиз нафар бинокор бор. Свердловсклик бинокорларнинг ташаббуси асосида меҳнат қиляпмиз. Асосан ТДСК—71А сериядаги турар жойлар учун девор панеллари ишлаб чиқаряпмиз. Коллективимизнинг ҳар бир аъзоси ўз ишига виждонан ёндошади. Канафий Аскадеев, Юрий Мельниченко, Михаил Родоманов каби бетончилар бир неча касбда бемалол ишлай олишади.

— Сиз Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати сифатида ҳам анча ишлар олиб бораётган бўлсангиз керак.

— Ҳа. Ҳар ойда бир марта комбинатда, бир марта Ҳамза район ижроия комитетида меҳнаткашларни қабул қиламан. Улар турли масалаларда ёрдам истаб келишади. Иложи борича уларга ёрдам беришга ҳаракат қиламан. Бундан ташқари район партия комитетининг, комбинат партия комитетининг ва касаба союз комитетининг аъзосиман. Комбинат халқ контроли комитети ҳамда мураббийлар Советининг раиси сифатида ҳам иш олиб боришга тўғри келади.

— Бригадада мураббийчилик ҳаракати ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз.

— Бригадамизни и г кўп аъзолари коллективимизда анча йиллардан буён ишлашади. Уз касбини яхши билишади. Шунинг учун коллективга ёш ишчилар қабул қилинса, уларга бажонидил касб ўргатишади. Масалан, яқинда Сергей Ожегов, Халил Гирфановларни ишга қабул қилган эдик. Бригадамиз мураббийларининг меҳнатлари туфайли улар коллективимизнинг моҳир бетончилари бўлиб етишишди. Ўзим ўтган йиллар ичида етмишга яқин ёшга касб ўргатдим. Шогирдларимдан Валерий Гончар ҳозир цех мастери, Николай Сазанов бригада бошлиғи. Бошқа бригадаларда ҳам коллективимизда тарбияланган қурувчиларни учратиш мумкин.

— Охирги савол. Бахт сўзини қандай тушунасиз?

— Бахт бу менимча саломатлик, ишлаги обрў-эътибор, одамларнинг сенга бўлган ишончи бўлса керак!

Демак, Исмоил Орипов ўзини бахтли деб ҳисоблашга ҳақли. Унинг фидокорона меҳнати партия ва ҳукуматимиз томонидан Ленин, «Октябрь революцияси», «Ҳурмат белгиси» орденлари билан тақдирланган. У кўп йиллардан буён халқ хизматкори — депутат сифатида ҳам ибратли ишларни амалга оширмоқда. СССР Давлат мукофоти билан тақдирланиши эса унинг меҳнатига берилган яна бир юксак баҳодир.

Суҳбатни
А. НИЁЗОВ
олиб борди.

• *Партия турмуши: ҳисобот ва сайловлар*

ОЛҒА ИНТИЛИБ, ЯНГИ ЮТУҚЛАРГА ЭРИШАЙЛИК

Механика ва сейсмология институтида ҳисобот-сайлов йиғилиши КПСС XXV съезди қарорларини бажариш юзасидан партия ташкилоти ва коллектив ишларни чуқур таҳлил этиш, ишчанлик вазиятида ўтди.

Партия бюроси секретари Я. Мубораковнинг ҳисобот докладида, коммунистларнинг сўзларида илмий-техника тараққиёти суръатларини жадаллаштириш, асосий ва амалий тадқиқотларни янада ривожлантириш, уларни халқ хўжалигига тезроқ жорий этиш, фаннинг ишлаб чиқариш билан алоқасини кучайтириш масалаларига катта эътибор қаратилди. Бу институт ер ости ва ер усти иншоотларининг зилзилага чидамлилиги, гидродинамика, механизмлар назарияси бўйича илмий тадқиқотлар олиб боради. Бу йўналишда кўпгина ишлар қилинди.

1977 йил якуни бўйича коллектив социалистик мусобақа ғолиби бўлди. У Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ва маориф ҳамда фан ходимлари республика касаба союзларининг кўчма Қизил байроғи билан тақдирланди. Беш йилликнинг учинчи йили социалистик мажбуриятлари муваффақиятли адо этилмоқда. Шу йилнинг тўққиз ойи мобайнида пландаги ишлар юксак илмий савияда адо этилди. СССР янги Конституцияси бир йиллигигача БАМ районларида тонналарнинг зилзилага чидамлилиги методикаси муддатидан илгари ишлаб чиқилди. Пахта териш машиналарининг шпинделларига оид янгиликлар ишлаб чиқилди ва бошқа ишлар амалга оширилди.

Институт коммунистлари, ходимларининг илмий-тадқиқотлари самараси шундан ҳам кўриниб турибдики, ўтган йили битта докторлик ва саккизта кандидатлик диссертацияси тайёрланди. Тўққизта ихтирочилик гувоҳномаси олинди.

Йиғилишда таъкидланишича, институт коллективи ишларининг муваффақияти партия ташкилотининг тобора ўсиб бораётган таъсири, партия бюросининг баракали иши, коммунистлар активлиги ошиши самарасидир.

Коммунистлар эришилган ютуқларни чуқур таҳлил этиб, шу билан бирга ҳал этилмаётган масалаларга, мавжуд камчиликларга барҳам беришга эътиборни қаратдилар. Музокарада сўзга чиққан институт директори, физика - математика фанлари доктори Т. Жўраев, пахта териш аппаратлари назарияси лабораторияси мудири, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Х. Усмонхўжаев, катта илмий ходим С. Ерофеев ва бошқалар КПСС Марказий Комитети июль (1978 йил) Пленуми қарорлари асосида партия ташкилоти олдида турган вазифалар ҳақида, фаннинг ишлаб чиқариш билан алоқасини мустаҳкамлаш тўғрисида гапирдилар, илмий ишлар самарадорлигини оширишнинг фойдаланилмаётган резервларига, айрим ходимларнинг меҳнат интизомини бузаётганига, илмий тадқиқотларни амалга оширишдаги устидан назоратнинг бўшлигига эътиборни қаратдилар. Коммунистлар партия бюросига ўз маърузалари ва партия йиғилишларида бу масалаларни тез-тез тинглаб туришни, институт экспериментал базасини ташкил этишни модий-техника воситаларини билан таъминлаш масалаларини қатъий назорат остига олишни таклиф этишди.

Йиғилишда партия бюросининг сиёсий ва иқтисодий ўқувини ташкил этишга, идеология ишлари самарадорлигини оширишга катта эътибор бераётгани таъкидлаб ўтилди. Институтнинг барча коммунистлари, ходимлари ўқувнинг у ёки бу турига жалб этилган. Сиёсий ахборотчилар, агитаторлар, «Билим» жамиятининг лекторлари актив иш олиб боришяпти.

Шу билан бирга йўл қўйилаётган камчиликлар ҳам ҳаққоний таъкидлаб ўтилди. Машғулотларга ҳамма вақт ҳам пухта тайёргарлик кўриляпти, деб бўлмайди. Шунинг учун улар баъзан зерикарли ўтмоқда. Тингловчилар етарлича активлик кўрсатишмаяпти. Машғулотлар ҳамма вақт ҳам институт олдида турган вазифалар билан боғлаб олиб бориляпти, деб бўлмайди. Ишларнинг сиёсий ўқувини ташкил этишни яхшилаш талаб этилади.

Ҳисобот докладида ва музокарада қатнашганларнинг сўзларида, ташкилий - партия ишига катта эътибор берилди. Партия бюросининг барча коммунистлари жамоат ишига актив жалб этишга эришолмагани, партия йиғилиши ва партия бюроси мажлисларини қарорларининг бажарилиши устидан таъсирчан назорат ўрната олмагани таъкидлаб ўтилди.

Маъмурият фаолиятини назорат қилиш комиссияси план ва мажбуриятларнинг муваффақиятли бажарилишига, мавжуд камчиликларга барҳам беришга ўз ҳиссасини қўшмоқда. Халқ контроли группаси ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда. Уларнинг ёрдами билан илмий тадқиқотларни халқ хўжалигига тадбиқ этиш, институт молиявий-хўжалик фаолиятида, илмий кадрлар тайёрлашда мавжуд бўлган бир қатор нуқсонлар аниқланди ва бу нуқсонларга барҳам берилди.

Коммунистлар, шу билан бирга, партия бюроси эътиборини халқ контролига кундалик ёрдам кўрсатиш, касаба союз, комсомол ва бошқа жамоат ташкилотларига раҳбарликни яхшилаш зарурлигига қаратдилар.

Ҳисобот-сайлов йиғилиши қарорида партия ташкилоти олдида турган асосий вазифалар, уларни бажариш юзасидан тадбирлар белгиланди.

Я. МИХАЙЛОВ.

• *Қишлоққа—самарали ёрдам*

ДЎСТЛИК ИПЛАРИ МУСТАҲКАМ

КПСС XXV съезди ҳамда КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль Пленуми қарорларини изчиллик билан амалга ошираётган Куйбишев район партия ва ижроия комитетлари район меҳнаткашларининг пахтакор ва сабзавоткор хўжаликларининг меҳнаткашлари билан ўзаро ҳамкорлигини кун сайин кенгайтирмоқда ва мустаҳкамламоқда.

Район меҳнаткашлари Сирдарё, Жиззах ва пойтахт областининг бир қанча колхоз ва совхозларига бегараз оталиқ ёрдами кўрсатиб келмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, қишлоққа кўрсатилаётган ёрдам характери сифат жиҳатидан ўзгарган.

КПСС Марказий Комитетининг июль Пленумида ўртоқ Л. И. Брежневнинг Тошкент партия ташкилотлари, меҳнат коллективларининг қишлоққа ёрдам кўрсатиш соҳасидаги ишига берган ижобий баҳоси бизни руҳлантирмоқда. Район меҳнаткашлари қишлоққа ёрдам кўрсатиш юзасидан шартномада белгиланган талабларни катта масъулият билан бажармоқдалар.

Район меҳнаткашлари Сирдарё областидаги Ильич райони, пойтахт областидаги Тошкент ва Жиззах райони дала меҳнаткашларига оталиқ ёрдами кўрсатиш тўғрисида ўзаро шартнома тузишган. Шу шартнома асосида Куйбишев райони 1978 йилда отаётган ҳўжаликларга кўрсатиладиган ёрдамнинг комплекс тадбирлар планини ишлаб чиқди. Унинг бандларидан бирида Ильич райони хўжаликларига бир миллион сўмликдан ортиқ ёки ўтган йилдагидан 200 минг сўмлик кўп ёрдам кўрсатиш таъкидлаб ўтилган. Социалистик мажбуриятда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг турли тармоқларида ёрдам кўрсатиш тадбирлари белгиланган. Масалан, қишлоқ хўжалиги ва паррандачиликда ферма ва озуқа цехлари қуриш, мавжудларини ремонт қилиш ифодаланган бўлса, пахтачилик, галлакор ва сабзавоткорликда — механика устахоналарини ремонт қилиш ва жиҳозлаш, пайвандлаш агрегатлари ҳамда малакали слесарлар билан биргаликда экиш ва йиғимтерим мавсумида ёрдам кўрсатадиган автолетучкалар юборилди, дала шийпонларини жиҳозлаш, агрохимия лабораториялари ни ташкил этиш, қурилиш материаллари ажратиш каби тадбирлар белгиланган. Қишлоқ хўжалик техникасини тайёрлашда уларга эҳтиёт қисмлар, тракторларни комплектлаш ни ги ган узеллар, трактор прицеплари, сеялкалар, асбоб-ускуналар, метизлар, электродлар, кабель маҳсулотлари, электр-рўзғор буюмлари ажратилди.

Маиший хизмат кўрсатишда эса ҳаммомчи ювиш комбинатлари қуриб бериш кўзда тутилган. Шунингдек, сиғ муҳими, йиғим-терим мавсумида асосий куч ҳисобланган механик ҳайдовчи ва ремонтчи кадрлар тайёрлаб беришга алоҳида эътибор берилган. Бу тадбирлар амалий иш билан мустаҳкамланмоқда. Зарбдор йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида оталиқдаги хўжаликларга 600 минг сўмлинган знёд ёрдам кўрсатилганлиги фикримизнинг ёркин мисолидир.

Куйбишев район партия ва ижроия комитетлари Ильич ҳамда Тошкент районларига амалий ёрдам кўрсатишни яхшилаш юзасидан аниқ тадбирлар планини ишлаб чиқди. Бу тадбирлар плани Куйбишев ва Ильич райони партия комитетларининг қўшма бюро мажлисларида тасдиқланди. Тошкент ва Ильич райони хўжаликларига қишлоқ хўжалик техникаси учун запас қисмлар ва узеллар ажратилди, экиш ва йиғим-терим мавсумига тайёргарлик кўришда ремонт ишлари олиб борилди. Тошкент райони хўжалигига 300 квадрат метрдан ортиқ тахта, 400 куб метрдан знёд бетон қоришмалари, 74 куб метр пиленъ, 300 тоннадан ортиқ нефть маҳсулотлари ва бошқа материаллар ажратиб берилди.

Ильич районидаги оталиққа олинган хўжаликларга галла ўрим-йиғими ва пахта йиғим-теримига тайёргарлик даврида 10 автолетучка юборилди. Қишлоқ хўжалик техникасини ремонт қилишда слесарлар ва пайвандчилардан иборат учта бригада иш олиб борди. Булардан ташқари район хўжалигига битта бензин ташийдиган, иккита сув ташийдиган машина. 20 ҳайдовчи юборилди. Пахта йиғим-терими бошланиши биланоқ район хўжаликларига пахта териш машиналарининг 200 механик— ҳайдовчиси етиб борди. 70 трактор, 70 ремонтчи сафарбар этилди. Бу мутахассислар Тошкентдаги ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтида тайёрланди.

«Уроқ ва Болға» иттифоқига солиқ қолган райондаги кўпгина ташкилотлар оталиқдаги хўжаликларга ёрдам кўрсатишда алоҳида ўрнак бўлмоқдалар. Трактор, «Ташкентқабель», лак-бўёқ, 1-экспериментал - механика заводи, савдо ускуналари заводи, «Энергостройиндустрия» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ремстройгазмонтаж» бошқармаси, «Цветметэлектропроект» лойиҳалаш институти, «Узбекгидрогеология» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, 2521-автоколонна, 8-автобаза каби корхоналарнинг кўрсатаётган оталиқ ёрдамлари диққатга сазовордир. Масалан, Тошкент трактор заводи «Тошкент» совхозига 26 минг сўмлик эҳтиёт қисмлар ва узеллар етказиб берди. Булар орасида тўрт трактор двигатели, 40 та автокамера ва покришка, 60 та аккумулятор бор. «Узбекгидрогеология» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси «Ленинград» совхози территориясини текшириб, ер ости сувини чиқариб бериш тўғрисида шартнома тузди. Лак-бўёқ заводи 15 тоннадан ортиқ турли хил бўёқлар, газ аппаратлари заводи автомашиналар учун двигатель, ҳаво компрессори, пайвандлаш аррегати, 1 тонна электрод, цемент ва бошқа материаллар етказиб берди.

«Средазкабель» бирлашмаси коллективи «Правда» совхозида 10 километр узунликда телефон алоқа симлари ўтказди, 15 та аппарат берди. «Энергостройиндустрия» ишлаб чиқариш бирлашмаси «Оргэнергочермонтаж» қурилиш-монтаж бошқармаси В. И. Ленин номли паррандачилик фабрикасида иккита паррандахона қурмоқда, 10 минг дона тухум сиғадиган холодильникни монтаж қилмоқда.

Райондаги химия, кимёвий ўсимликлар моддалари, биохимия, механика ва бошқа илмий-тадқиқот институтлари ўғитлар, заҳарли химикатларни қўллаш юзасидан қишлоқ мутахассисларини қўлланмалар билан таъминлаб туришипти, уларга агрохимия лабораторияларини ташкил этишда. мактаблардаги химия кабинетларини жиҳозлашда ёрдам бермоқда. Республикамизнинг С. Юнусов, М. Асқаров, Ҳ. Усмонов. А. Абдуллаев, Б. Усмонхўжаев каби таниқли олимлари Тошкент районининг дала меҳнаткашлари ҳузурида бўлишди. Илмий муассасалар ходимлари қишлоқ хўжалигини химиялаштириш, дориворпрепаратлар тўғрисида, КПСС XXV съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль Пленуми ва Ўзбекистон Компартиясининг X пленуми материалларини тўғрисида лекция ва суҳбатлар олиб боришди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ҳамма колхозчиларга, совхоз ишчиларига, механизаторларга, қишлоқ хўжалиги мутахассисларига, республиканинг барча меҳнаткашларига Мурожаатини районнинг барча меҳнаткашлари худди дил сўзларидек кутиб олдилар ва тўла-тўкис маъқулладилар.

Ҳозирги айни долзарб кунларда халқ депутатлари Куйбишев район Совети ижроия комитети район партия комитети билан биргаликда оталиқдаги хўжаликларнинг моддий-техника базаларини мустаҳкамлашга, қишлоқ меҳнаткашларининг маданий ва турмуш шароитини янада яхшилашга қаратилган тадбирлар планининг тўла-тўкис ва беками-кўст бажарилиши учун бутун куч ва имкониятларни сафарбар этмоқда. Бу икки томонлама ҳамкорлик ишчи билан деҳқон ўртасидаги дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

О. РАСУЛОВ,

Куйбишев район ижроия комитети раиси.



Тошкент тепловоз депоси техника хизмати кўрсатиш пунктининг коллективи локомотивларни ўз вақтида нормал ҳаракат қилишини таъминлаб келмоқда. Сиз мана бу фотолавҳада катта мастер Нигматжон Аҳмаджоновни илғор ремонтчи ишчилардан Николай Мальянц ва Анатолий Зинякинлар билан иш устида кўриб турибсиз. Бу ишчилар мунтазам равишда смена-ойлик топшириқларини 130 — 140 процент адо этадилар.

М. Нуриддинов фотоси.

• *Мураббийчилик ҳаракатига кенг йўл*

ҚАРС—ИККИ ҚЎЛДАН

50-йилларда заводимиз тахта бортли прицеплар ишлаб чиқарарди. Баллонли тўрт ғилдиракли ҳисобга олмаганда оддий аравадан деярли фарқ қилмасди. Ўни ишлаб чиқариш ҳам осон эди. Шундан бери ўтган йигирма йилдан ортиқ вақт мобайнида завод ҳар томонлама ўсди, ихтисослашган йирик корхоналардан бирига айланди. Тўққизинчи беш йиллик мобайнида заводда 100 мингдан ортиқ трактор ва 190 мингдан ортиқ прицеп тайёрланди. Мана, тўрт йилдирки, биз 2ПТС—4—793» маркали прицепни давлат Сифат белгиси билан тайёрлаяпмиз.

Корхонамиз ўз маҳсулотларини фақат иттифоқимизнинг пахтакор республикаларигагина эмас, балки Югославия, Болгария, Куба, Эрон, Жазоир, Вьетнам Халқ Республикаси каби мамлакатларга ҳам жўнатиб турибди.

Заводда тайёрланаётган маҳсулотнинг мураккаблиги, ҳажми кўплиги ишчи кадрларнинг юксак малакали, тажрибали бўлишини, билим даражаларини тинмай ошириб боришларини талаб этмоқда. Малака, тажриба эса ҳеч вақт ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди.

Заводда меҳнат қилаётганимга 25 йил, 3-пайвандлаш — пресслаш цехида ишлаётганимга эса йигирма йил бўлди. Цехимиз ишлаб чиқариш топшириқларини мунтазам бажариб келяпти. Коллективимизда ишчилар қўнимсизлиги, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини бузиш ҳоллари жуда кам учрайди.

Бунга асосан коллективда ижодий меҳнат муҳитини юзага келтириш, социалистик мусобақани, мураббийчилик ҳаракатини авж олдириш орқали мувaффақ бўляпмиз.

Менинг ўзим чорак асрлик меҳнат фаолиятимда 40 нафарга яқин юқори малакали ишчи тайёрладим. Булар орасида заводимизда жавлон уриб ишлаб, нормаларини ортиги билан бажараётган Н. Жабборов, И. Курсентов, А. Муругов, С. Сеитматбетов каби меҳнат илғорлари бор.

Ўтган йили Москвада қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналари мураббийларининг Бутуниттифоқ кенгаши бўлди. Бу кенгашда мен ҳам қатнашдим, нутқ сўзладим. Коллективимизда мураббийчилик ҳаракатини ривожлантириш бўйича қилинаётган ишларни кенгаш қатнашчилари билан ўртоқлашдим. Беповён мамлакатимизнинг турли томонларидан келган, салмоқли меҳнат тажрибасига эга бўлган, соч—соқолига қиров қўнган кишилар коллективда ёш ишчилар тарбияси ҳақида гапиришаркан, корхонага келган ҳар бир ёш йигит ва қизнинг қалбига йўл топа билиш, улар билан самимий, оталарча муносабатда бўлиш, ота-оналари билан алоқа ўрнатиш зарурлигини уқтирдилар. Дарвоқе, бизнинг цехимизда айнан шундай. Коллективимизда илғор ишчиларнинг қолоқларга оталиқ қилиши, ҳамкасб дўстларнинг уйларида бўлиб ҳолидан ҳабар олиши, биргалашиб дам олиш доимий одатга айланган.

Ҳеч ёдимдан чиқмайди, 1953 йилда Тошкентдаги 14-ҳунартехника билим юртини тамомлагач, «Ташхлопкомаш» (илгари заводимиз шундай ном билан юритиларди) заводининг қуюв цехига йўлланма олдим. Шунда завод раҳбарлари ишга олишдан аввал мен билан бир соатча суҳбатлашишди. Улар мендан қаерда туғилганлим, кимларим борлиги, қайси мактабда ўқиганлигим, ниманарга қизиқишимгача сўрашди. Мен ҳамма саволларга аниқ, тўлиқ жавоб беришга ҳаракат қилдим. Суҳбат сўнггида мендан қандай илтимосим борлигини сўрашди. Шунда бироз ўйланиб турибилим юртида бирга ўқиган Абдулла Мустафоев деган жуда яқин дўстим борлигини, унга «Таштекстильмаш» заводига йўлланма беришганлигини, иложи бўлса уни ҳам шу ёққа ишга ўтказишларини айтдим. Завод раҳбарлари бу илтимосимни эътиборга олиб, бажаришга ҳаракат қилишларини айтишди. Сал кун ўтгач, дўстим Абдулла ҳам мен билан ишлайдиган бўлди. Шунда завод раҳбарларининг мендек ёш, ҳали корхонага ҳеч қандай нафи тегмаган инсонга бу қадар эътибор бериши мени ҳайратлантирган, уларга бўлган меҳр, ҳурматимни оширган эди.

Кишидан қуруқ ишталаб қилавериш етарли эмас. Ҳар бир ёш ишчининг қалбига йўл топа билиш, унинг «дарди», мақсадини билиб, қўлдан келганича ёрдам бериш лозим. Халқимиздаги «қарс икки қўлдан» деган нақл бекўда айтилмаган.

Кунлардан бир кун мендан пайвандчилик касбини ўрганган Исмоил Курсентов олдимга бўшаш ҳақида ариза кўтариб келиб қолди. Аризасини олиб, сменадан кейин киришини сўрадим. Суҳбат давомида мен Исмоилнинг онаси билан турган квартирасида тиқилишиб қолишганини, ишдан бўшаётганлигининг асосий сабаби ҳам шу эканлигини билдим. Исмоил бир—икки завод касаба союз комитетига мурожаат қилган экан, улардан дуруствроқ акс-садо чиқмабти. Мен унга бу ишдан бўшаш учун сабаб бўла олмаслигини, қўлимдан келганча ёрдам беришга ҳаракат қилишимни айтдим. Эртаси завод директори олдига кириб, аҳволни тушунтирдим. Шундан кейин завком комиссияси Исмоилнинг турар жой шароити билан танишиб, унга янги квартира бериш керак деган қарорга келди. Орадан ярим йил ўтмай Исмоил оиласи билан янги квартирага кўчиб ўтди. Мен кўп йиллик меҳнат фаолиятимдан мисолларни кўплаб келтиришим мумкин.

Цехимизда ўн кишидан иборат мураббийлар кенгаши ташкил этилган. Унинг ишига мана, икки йилдирки, мен раҳбарлик қиляпман. Кенгаш аъзолари цехга келган ҳар бир ёш ишчи билан атрофлича суҳбатлашади, унинг лаёқати ва қайси касбга қизиқишини қатъий ҳисобга олишади. Цехда тўқимачилик комбинатининг донгдор тўқувчиси Анна Верзилинанинг «Шогирдга— устоз марраси!» ташаббуси кенг қулоч ёйган. Ўнлаб ветеран ишчиларимиз мана шу шиор остида меҳнат қилиб, ёшларга ўзларининг бой тажрибаларини ўргатмоқдалар. Коллективда ўзаро ҳамжиҳатлик вазияти юзага келтирилганлиги, социалистик мусобақа авж олдирилганлиги КПСС XXV съезди белгилаган улуғвор вазифаларни муваффақиятли ҳал этишда ёрдам бермоқда.

У. ТУРҒУНБОЕВ,

Тошкент трактор заводи 30-пайвандлаш-пресслаш цехининг катта мастери, цех мураббийлар кенгашининг раиси.

• *Беш йиллик вахтасида*

ДЎППИ ЖИЛОСИ

Бадиий буюмлар фабрикасининг дўппи цехи чеварлари айни кунларда улкан ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Цехда бир беш йиллик топшириғини бажаришга аҳд қилган чеварлар сони тобора ортиб бормоқда. Илғор коллективнинг меҳнатда эришган ютуқлари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 61 йиллик юбилейига муносиб совға бўлди.

— Коллективимиз шу кунларда янада гайрат билан меҳнат қилмоқда, — дейди цех бошлиғи Маҳмуда Аъзамова. — Бизда асосан 16 хил дўппи тикилади. Шулардан 8 таси, яъни «Ироқи», «Чоргул», «Нозик», «Автомат бодомча» сингари дўппиларимиз давлат Сифат белгиси билан ишлаб чиқарилади. Филиалда 8 та комсомол-ёшлар бригадаси ва 12 та коммунистик меҳнат бригада мавжуд бўлиб, улар ўртасида ўзаро социалистик мусобақа кенг қулоч ёйган. Меҳнат беллашуви яхши самара бермоқда. Илғор чеварларимиздан коммунист Марғуба Насриддинова бошлиқ попон участкасининг комсомол-ёшлар бригадаси ўйл бошидан бери 2 марта бригадалар ўртасидаги ўзаро социалистик мусобақада ғолиб чиқди. Мусобақадошлар беллашибгина қолмай, бир-бирларига ёрдам кўлини ҳам чўзадилар. Шу боисдан ҳам коллективимиз улкан ютуқларга эришмоқда. Иш соатларидан унумли фойдаланиш ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришда илғор чеварларимиздан Марҳабо Хўжаева, Ёқутхон Маҳмудова, Манзура Тоирова, Раҳима Тожиева, Марғуба Насриддинова бошчилик қилаётган бригадалар ойлик планларини 140—150 процентдан адо этиб кўпчиликка намуна бўлишяпти. Улар тайёрлаётган дўппиларни кўриб кўзингиз қувонади.

Яқинда коллективимизнинг илғор ишчиси, коммунист Рихси Мақсудова билан 1979 йилнинг апрель ойи ҳисобига маҳсулот тайёрлаётган қўли гул чевар Маҳбуба Рихсиевага меҳнатда ўрнак кўрсатганликлари учун мукофот тариқасида Кавказга путёвка берилди. Ҳозир улар саёҳатга кетишган. Бундай илғорлар бизда жуда кўплаб топилади.

— Коллективимиз қолоқларсиз ишлаймиз шиори остида меҳнат қилмоқда, — деб сўз бошлади бригадир Қумри Йўлдошева. — Менинг ўзим ҳозир 1980 йил март ойи ҳисобига маҳсулот тайёрлаяпман. Бригадамда бирорта ҳам қолоқ ишчи йўқ.

Фабрика чеварлари беш йиллик топшириқни уч ярим йилда бажариш ташаббусига қўшилиб, ҳозирги кунда сифат ва самарадорликка катта эътибор бериб ишламоқдалар. Илғор чеварлар йил бошидан бери пландаги ташқари 1429 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардилар. Улар бугун кечагидан, эртага эса бугунгидан ҳам кўпроқ маҳсулот тайёрлаб, сифатли ва унумли меҳнат қилишга интилишяпти.

Д. ИКРОМОВА.

Тошкент оқшоми
босилгандан кейин

«УЧ ТИЙИНЛИК ЖАНЖАЛ»

Шу сарлавҳа остида газетанинг 30 сентябрь сонида босилган материалда трамвай ва троллейбуслар хизматидаги айрим нуқсонлар танқид қилинган эди.

Трамвай-троллейбус бошқармаси бу материал коллектив ўртасида кўриб чиқилганини, аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилаш юзасидан тадбирлар белгиланганини хабар қилади. Йўловчига қўполлик қилган кондуктор Умаров вазифасидан икки ойга четлаштирилган, троллейбус ҳайдовчиси Исмоилов эса қаттиқ огоҳлантирилган.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ОФАТ ЖИЛОВЛАНСИН

ДЕҲЛИ. Ҳиндистон қишлоқ хўжалиги ва ирригация министрлиги тошқинга қарши кураш бош планини ишлаб чиқиб, мамлакат план комиссиясининг муҳокамасига қўйди. Шу табиий офат зарарлари жуда катта. Масалан, бу йил Ҳиндистоннинг 15 штати ва иттифоқ территориялари тошқиндан азият чекди. 2 мингга яқин киши ҳалок бўлди, миллионмиллион кишилар бошпанасиз қолди. Қишлоқ хўжалиги ва ирригация министрлигининг секретари С. С. Патель ТАСС мухбири билан суҳбатда бош планда мамлакатнинг турли районларида катта-катта сув омборлари барпо этишга асосий эътибор берилаётганлигини айтди. Ҳолбуки, бундан аввалги программаларда дамба типидаги иҳота иншоотлари қуришга асосий эътибор берилиб келган эди. Эндиликда ёмғир чоғида йиғилган ортиқча сувдан қуруқ мавсум даврида далаларни суғоришда фойдаланилади.

Бош план жами 12 миллиард рупийлик ишлар бажарилишини кўзда тутади.

СОЦИАЛ ТЕНГЛИК САРИ

ҚОБУЛ. Афғонистон Демократик Республикасининг халқ ҳукумати афғон хотин-қизларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни социал жиҳатдан озод қилишдан иборат катта программани амалга оширишни ўзининг асосий вазифаларидан бири деб ҳисоблайди.

Қобул радиосининг хабарида айтиладики, апрель революциясидан кейин ўтган олти ой мобайнида хотин-қизларнинг оиладаги ва жамиятдаги ўрнига нисбатан анъанавий фикрларда муайян силжишлар содир бўлди. Бироқ АҲР революцион кенгаши қабул қилган 7-декрет бу проблемани ҳал этишда жуда муҳим тадбир бўлди. Шу декретга биноан, келинга қалин тўлаш расмий суратда бекор қилинди. Эрта никоҳлар тақиқланди. Декретга мувофиқ никоҳга ўтиш ёшлари эркаклар учун 18 ва қизлар учун 16 ёш қилиб белгиланди.

7-декрет. дейилади хабарда. соғлом оила вужудга келтириш имконини беради, бирбирини эркин танлаш ва ўзаро ҳурмат бу оиланинг асоси бўлади.

КАТТА БИРЛАШМА

ХАНОЙ. Вьетнам Социалистик Республикаси ҳукумат кенгашининг қарори билан мамлакатда енгил саноатнинг тўртта янги катта бирлашмаси тузилди. Тўқимачилик ва озиқ-овқат саноатининг корхоналари, қоғоз ишлаб чиқарувчи ва ёғочни қайта ишловчи заводлар, шунингдек чинни, керамика ва шиша буюмлар ишлаб чиқарувчи корхоналар ана шу бирлашмаларга кирди.

АҚШ ҳукмрон доираларининг қўллаб қувватлаши натижасида Тель-Авив араб халқининг Паластинда мустақил суверен давлат ўрнатиш қонуний ҳуқуқини ҳамон тан олмай келяпти. Исроил ҳокимиятининг шовинистик сиёсати натижасида бир миллиондан ортиқ Паластин араблари турар жойларидан маҳрум бўлдилар. Улардан 225 минг киши бугунги кунда қўшни Сурияда яшаяпти.

СУРАТЛАРДА: Сурияда Паластин қочқинлари лагери.

ТАСС фотохроникаси.





ӨЗ-ӨЗИ ЎҚИТАНИБ ДОНО БЎЛМУР...

◆ Ақлсиз бошнинг жазосини оёқ тортади.

◆ Бузуқ хулқларнинг қандай нарса эканини ўргатадиган энг яхши мактаб — дунё, энг фойдали китоб эса одамлардир. Одамларда кўрилган бузуқликлардан сақланувчилар шу мактабнинг энг яхши шогирдларидир.

◆ Олий қалб эгаси бўлмаган одам дунёнинг машаққатини ҳам, роҳатини ҳам кўтара олмайди.

◆ Инсоннинг келгусидаги бахт-саодати унинг саъе-ҳаракатига боғлиқдир.

◆ Шайх Зиёулло айтади:

— Ҳар ким қуруқ гап сотувчи ва бировдан айб, камчилик изловчи бўлса, ҳеч кимга мақбул ва маргуб бўлмайди. Азиз умрини бекорга ўтказади. Ҳар ким халққа хайрихоҳ бўлмаса, эл ҳурматини қозонмайди, мартабаси ошмайди. Ҳар ким дилозор бўлса, халқни ранжитса, ҳамиша қайғуда, хавф-хатарда умр кечиради. Ҳар ким қаҳр-газаб ўтини чидам, мулойимлик ва андиша суви билан ўчирмаса, кейин пушаймонлик гирдобига тушади. Ҳар ким исрофдан чекилмаса, маишатда ўртача, мўътадил йўл тутмаса, муҳтожлик ўтида қовурилади. Ҳар ким ҳарис, очкўз бўлса, тинчлик юзини кўрмайди. Ҳар ким эзмаликдан, ёлғон сўзлашдан тийилмаса, ҳеч ким унинг сўзларига эътибор қилмайди, халқ кошида обрўси тўкилади. Ҳар ким кўпол сўзли, аччиқ тилли ва бадмуомала бўлса, ҳамманинг нафратига сазовор бўлади.

Байт:

Феълн бадлардан ўзингни пок қил,
Аҳли ҳикмат сўзларин идрок қил.

◆ Хусайн воиз Кошифий айтади:

— Ҳар кишида мулойимлик, хушмуомалалик бор бўлса файз, камол топишдан ўзга эҳтимол йўқдир. Ҳар киши балоғатга бўлса, вайрон бўлишдан бошқа чора йўқдир. Хушфеъллик, мулойимлик ҳамма неъматларнинг яхшироғидир.

◆ Шайх Саъдий айтади:

Ҳикоят: — Бир қанча донишмандлар Анушервон саройида бир муҳим масалани ҳал этиш ҳақида маслаҳат қилардилар. Уларнинг бошлиги Бузуржмеҳр жим ўтириб, донишмандларнинг маслаҳатларига аралашмасди. Донишмандлар Бузуржмеҳрдан:

— Нега сиз бизнинг маслаҳатимизга аралашиб, ўз фикрингизни айтмайсиз? — деб сўрадилар. Бузуржмеҳр донишмандларга шундай жавоб берди:

— Вазирлар ҳудди табибларга ўхшайдилар. Табиб касал бўлмаган одамга дору бермайди. Ҳал этишни истаган масалангиз устида айтган фикрларингизнинг тўғри эканини билиб турибман. Шунга кўра у масала устида бир фикр айтишим ҳикматдан эмасдир.

ПОК ВИЖДОНЛИ ҚИЗ

Ҳикоят: — Қадимги араб халифаларидан Умар бир кечаси кўчаларни айланиб юрарди. Бир ўйнинг ёнидан ўтаркан, бир хотиннинг ҳовлида қизи билан жанжаллашиб сўзлаган товушини эшитди ва уй эшиги ёнида турибуларнинг сўзларига қулоқ солди. Хотин қизига аччиғланиб:

— Нега мен билан олишасан? Эртага сотиладиган сутимизга бир оз сув қўш, — деди. Қиз қабул қилмай:

— Ахир халифа Умар ҳамма сутчиларга сутга сув қўшиб сотмаслик ҳақида буйруқ берганини унутдингизми?

— Нега бунча бижирлайсан? Сув қўш дедимми, қўшавер, бизнинг сув қўшганимизни Умар қаердан билади? — деб онаси қизига аччиғланиб сўзлади. Қизи:

— Онажон, ахир халифа сутга сув қўшганимизни кўрмаса, виждонимиз кўриб турибди-ку, ҳеч бўлмаса виждонимиз амрига итоат қилайлик, виждонсизлик қилмайлик, — деди қизи ва онасининг буйругини рад қилиб тураверди.

Сутчи хотин қизининг сўзларига халифа жуда ҳам завқланди, шу номусли, виждонли қизни ўзига келин қилиб олмоқчи бўлди. Саройга қайтгач, бир неча кундан кейин ўша қизни ўзлига никоҳ қилиб олиб берди, виждонли келинга эга бўлди.

Байт:

Қолмагай тўғрилар ичи пинҳон,
Қилмагай тўғри сўз кишига зиён.

Қисса: — Бир кун хўкизнинг бошига бир пашша қўниб ўтириб, унга:

— Агар менинг ўтиганим сенга оғирлик қилган бўлса, айт, учиб кетаман, — деди.. Хўкиз унга:

— Бошимга қўниб ўтирганингдан хабарим бўлмади, учиб кетсанг ҳам хабарсиз қоламан, сенинг оғирлигинг нима бўларди? —деди.

Ҳисса: — Баъзи одамлар гердайиб, ўзларини катта, эътиборлик одам ҳисоблаб юрадилар, ҳеч кимни кўзга илмайдилар, ҳолбуки бошқалар уларни бир пулга ҳам олмайдилар, эътибор бермайдилар.

АҚЛЛИ ИНСОН

Инсонни ҳайвондан фарқ этувчи хоссалардан биринчиси ақл, тил ва сўзлай олишдир. Зеҳн инсонга берилган бир эҳсондирки, инсон у билан яхшилик ва ёмонликни, фойда ва зарарни ажрата олади.

Ҳалол иш, ҳалол меҳнат — ақл ва камолнинг бир нишонасидир. Гўзал ахлоқ ҳам ақлнинг камолидан далолат беради. Кераксиз, ортиқча сўзлар сўзламаслик, сукут ихтиёр этиб, бир парса ҳақида сўралса, оқилона ва ҳакимона жавоб бериш ҳам ҳар инсон учун саодатдир.

Оламда инсоннинг кўрадиган заҳмат ва машаққатига унинг ўз тили ва жаҳли сабаб бўлади. Шунинг учун тилни кераксиз сўзлар сўзлашдан тийиш, жоҳилликдан чекилиш лозимдир.

Ш. ЗУННУН тайёрлаган.

• *Илмий лабораторияларда*

ХАЗИНА ОЧИШ СИРЛАРИ

Табиат «мўъжиза»ларга бой бир маҳон. Қарангки, табиатда фақатгина тирик мавжудотларгина жуфт-жуфт бўлиб яшабгина қолмай, ер қобиғида, турли минераллар таркибида кимёвий элементлар ҳам «конқариндош» бўлиб яшар экан.

Шуни айтиш керакки, бирга учрайдиган элемент ва минераллар бир-бири учун даракчи хизматини ўтаб, кўздан яшириниб ётган конларни кашф этишда катта хизмат кўрсатади, элементлар эса беҳуда харжланадиган сарфларни тежайди. Масалан, ўз вақтида Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги И. Ҳамробоев аниқлаган маргимуш ва олтин ўртасидаги «қариндош»лик Ўзбекистонда бир неча олтин конларининг очилишига сабаб бўлди. Олимнинг таъкидлашича, маргимуш минерали — яқинида ёки остида арсенопирит унинг яширинib ётган олтин конлари учун даракчи экан. Бу фикрларнинг яққол далили сифатида қўйидаги. Ўз вақтида кашф этилган ва ҳозирги кунда тасдиқланган илмий прогнозларга мурожаат қилмоқчимиз.

Ўзбекистон геология фанининг етакчи олимларидан ҳисобланган академик И. Ҳамробоевнинг бевосита шогирдларидан бири Х. Раҳматуллаев аспирантлик чоғларидаёқ ўз домласи кўргазмаларига амал қилиб, табиатда учраши мумкин бўлган элемент ва минераллар «қардошлиги» ва уларнинг даракчилик хоссаларига ўз эътиборини жалб этади, бу тўғрида машаққатли изланишларни давом эттиради. У осмонўпар Тянь-Шань тоғларини ва беаёв жазирама Қизилқум саҳроларини тинимсиз кезди. У ерлардаги тоғ жинси қояларини чарчамай парчалади, улардан намуналар олиб қайтди.

Илмий тадқиқот ишлари, лабораторияда ўтказилган микроскопик ва кимёвий анализлар узлуксиз давом этди. Натижалар ёш олимнинг кўп йиллик меҳнати эвазига ёмон бўлмади. Фанда яна бир янгилик пайдо бўлди. Ёш олим Хайрулла Раҳматуллаев ғарбий Ўзбекистон шароитида сурма ва олтин ҳам қардош ҳисобланиб, улар ўзаро узвий боғлиқ эканлигини аниқлаб берди. Сўнг сурма минерали-антимонит олтин учун янги бир даракчи сифатида янги-янги фактлар асосида тасдиқланди.

Сўнгги йиллар давомида ҳам Хайрулла Раҳматуллаев ер кимёси—геохимик изланишларини узлуксиз давом эттирди 1970 йилларга келиб яна бир табиат жумбоғига дуч келди ва унинг сир-асрорини очишга муваффақ бўлди. Маълум бўлишича, табиатда металлар группаси ҳам бир-бири билан боғлиқ ҳолда учраши мумкин экан. Бинобарин Х. Раҳматуллаевнинг таъкидлашига қараганда, сурма — кумуш — олтин группаси симоб — сурма группаси билан «қариндош» ёки яқин ажралмас «дўст» экан. Бунинг асосида олим СССР территориясида жойлашган Тянь-Шань тоғларида симоб ва сурма «ўртоқлиги» бу ерларда кўздан яширинib ётган ва ҳали тўпилмаган, лекин очилиши мумкин бўлган олтин конлари учун ҳақиқий даракчи ҳизматини ўташи мумкин деган муҳим хулосага келди. Ўз моҳияти билан дадил айтилган бу илмий мулоҳазалар охирги йиллар давомида қизғин илмий мунозараларга сабаб бўлди, янгидан-янги далиллар билан тасдиқланди. Жумладан, бу хулосалар марҳум И. С. Соколов, Ю. В. Финкельштейн, И. Е. Гамалеев, Ш. Султонмуродовлар томонидан олиб борилган тадқиқотларда ўз аксини топди ва бу фикрларнинг тўғрилиги ҳақида бир неча илмий мақолалар ёзилди.

Олим фикрларининг кейинги йилларда тасдиқланган ва унинг қувончига қувонч қўшган далиллардан яна, бири яқиндагина Қирғизистон диёридан Ўзбекистонга етиб келди. Маълум бўлишича, Қирғизистонда жойлашган Олой ва Чотқол тоғларининг бир қисмидан қазиб олинаётган баъзи бир сурмасимоб ва сурма конларини чуқурлашган сари ундаги рудалар таркибида бошқа моддалар ошиб борганлиги аниқланди. У конларда юқоридаги кварц-флюорий антимонит рудалари чуқурликка томон кварц — антимонит—кумуш — олтинли рудалар билан аста-секин алмашиб борганлиги ҳам аниқланди. Бу эса ўз навбатида Х. Раҳматуллаевнинг илмий прогнозлари ҳаётда тўлиқ тасдиқланаётганини кўрсатмоқда.

М. ЗОКИРОВ,
геология - минералогия фанлари доктори.

ТО СПРАВКАЛАР БЮРОСИ

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

К. ТОШПЎЛАТОВ: Бизда «Днепр МТ — 9» маркали кажавали мотоцикл бор. Уни бир нечта қисмлари ишдан чиқиб қолди. Шуни қаерда тузатиб беришади?

Жавоб: Бу масалада Фурқат кўчасидаги Навоий кинотеатри ёнига жойлашган фақат мотоцикл ва мотороллерлар тузатадиган устахонага мурожаат қилиш керак.

* * *

С. ХЎЖАҚУЛОВ: Айтингчи, шаҳримизда студентларнинг илмий ишлари курс ва диплом ишларини муқовалаб берувчи ташкилот борми?

Жавоб: Курс ва диплом ишларингизни муқовалатиш учун Офицерлар уйи бекати ёнига жойлашган «Сервис» фирмасининг пунктига, шунингдек шаҳримиздаги барча районларга жойлашган пунктларга мурожаат қилишингиз мумкин. У ерда Сиз истаган буюртмани муқовалаб беришади.

* * *

Р. ОТАБОЕВ: Менда «Снежок — 301» маркали магнитафон бор. Шу бузилиб қолди. Энди қаерга мурожаат қилсам тузатиб беришади?

Жавоб: Чилонзор массивидаги Гагарин кўчасида шаҳар «Зангори экран» ателъеси жойлашган. Бундан ташқари ҳар бир районда ана шу ателъенинг бўлимлари мавжуд. Шу ердаги усталарга мурожаат қилсангиз магнитафонингизни ўн кун муддат ичида тузатиб беришади.

* * *

Н. КИЧИКБЕКОВ, Қ. ТОЖИБОЕВ ва бошқалар: Биз Тошкент автомобиль институтининг дипломантлари яқинда электрон-ҳисоблаш машиналари, арифмометрларни шаҳримиздаги прокат пунктларида аҳолига бериб турилишини эшитиб қолдик. Агар мумкин бўлса шундай прокат пунктларининг адресини берсангиз.

Жавоб: Навоий кўчаси 30-«а» уйга «Сервис» фирмасининг прокат пункти жойлашган. Шу ерга мурожаат қилсангиз, Сиз истаган электрон ҳисоблаш машиналарини прокатга бериб туришади.

* * *

М. МУСАМУҲАМЕДОВА: Японияниг «Чори» бирлашмаси ишлаб чиқарган соябон сотиб олган эдим. Шу синиб қолди. Буни қаерда тузатиб беришади.

Жавоб: Пушкин кўчасидаги консерватория ёнида ва Ленин проспектидаги маиший хизмат кўрсатиш шаҳарчасида ана шундай ишларни бажариб берувчи пункт жойлашган. Шу ерга мурожаат қилинг.

* * *

И. МУРОДОВ, А. РУСТАМОВ: Шаҳримизда балоновий пальто ва плащларни ремонт қилиб берадиган устахоналар борми?

Жавоб: Бундай устахоналар Госпитал бозори ёнида, София проспектининг Ишчилар шаҳарчасида ва Вокзал яқинидаги «Ўзбекистон» маиший хизмат уйида бор.

ШАҲБА ОҚШОМИ

БИР ШИНГИЛДАН

▲ **Бутун дунёда ўз адабий тилига эга бўлган 21 та туркий халқлар бўлиб, шундан 19 таси Совет Иттифоқидадир.**

▲ **Ватанимиздаги энг катта чўл Қорақум чўлидир. Унинг майдони 300 минг квадрат километрга яқин.**

▲ **Шахмат бундан икки минг йил муқаддам Ҳиндистонда пайдо бўлган.**

▲ **Барча нарсаси истеъмолга кетадиган ҳайвонлар — қўй ва моллардир. Уларнинг териси, гўшти, қорин-ичаклари, шохи, суяги, хатто гўнгидан ҳам фойдаланилади.**

▲ **Тўрт юз грамм ўргимчак ипини ёйиб бир-бирига уланса, у Ер куррасини бир марта ўраб чиқишга етади.**

▲ **Ҳар йили Англия ва Америкада «гўзал сигир» мусобақаси ўтказилади. Мусобақада ғолиб чиққан сигирга «гўзаллик қизоличаси» деган унвон берилади.**

▲ **Оптик линзалар — энг қадимги кашфиёт ҳисобланади. Британия музейида эрамизгача бўлган VIII асрда ясалган линза сақланади.**

▲ **Бир тонна синтетик каучук олиш учун 3 тонна буғдой ёки 22 тонна картошка, ёхуд 30 тонна қанд лавлаги керак бўлади. Ана шуларнинг ўрнига бир тонна синтетик каучукни 5 тонна табиий газдан ҳам олиш мумкин.**

БИРИНЧИ СОВЕТ МАРКАСИ

БУНДАН 60 йил муқаддам, 1918 йил 7 ноябрь куни биринчи революцион совет маркалари почта муомаласига кирган эди.

Бу иккита марка кўк ва жигарранг бўёқда камтарона нашр этилган эди. Рамзий расм: чиқиб келаётган қуёш фонида қўлда шамшир билан занжир парчаланаётгани акс эттирилган. Унинг тагига «Россия» деб ёзиб қўйилган. Эндиликда бу маркаларни орадан 60 йил ўтгандан кейин бўлса ҳам топиш осон. Лекин уларнинг тақдири қизиқарли. Ярим асрдан кўпроқ вақт мобайнида совет ва чет эллардаги барча каталогларда бу маркалар ё бутунлай тилга олинмас, ёки вақтли ҳукумат томонидан чиқарилган деб ҳисобланарди, нашр қилинган йиллари тахмин қилинар ва ватан почтаси тарихида умуман ҳали ўрганилмаган эди.

Москвалик коллекционер П. Мазур ҳақиқатни аниқлаш учун бел боғлади. Архивларда, кутубхоналарда ва музейларда бир неча йиллар мобайнида қидириш ишларини олиб борди, юзлаб мактубларга ёзишмаларга мактуб йўллаб турли адресларга мурожаат қилди. Ниҳоят бу маркалар 1918 йилнинг кузида, 25 октябрдан кейин чиққанлигини ҳужжатлар билан белгилашга муяссар бўлди. СССР халқ хўжалиги Марказий Давлат архивининг бўлим мудири И. Рубин бу санани аниқ қилиб, бу гал батамом топишга ёрдам берди. У марка тўпловчининг сўзини радио орқали эшитиб, архивдан почта ва телеграф халқ комиссариатининг циркулярини қидириб топди. Унда бундай дейилган эди: «Революцион янги почта маркалари ишчи деҳқонлар ҳокимияти тантанасини ифодаловчи қизил ва кўк рангларда чиқарилиши муносабати билан 1918 йил 7 ноябрь куни Москва почтамтининг тамғаси қўйилган марка алоҳида эътиборга сазовордир. 1 ва 2 рақамли маркалар ҳозирги каталогларда ҳақли равишда дастлабки совет революцион маркаларидир, деб кўрсатилган.

Дарҳақиқат, маркаларнинг сурати анча олдин пайдо бўлган эди...

Давлат қоғозларини тайёрлайдиган экспедициянинг собиқ директори, рассом Рихард Зариньш 1917 йил февраль буржуа революциясидан сўнг дарҳол эскизларни ишлаб чиқди. Бу эскизлар маъқулланди, маркалар эса босилмасдан қоларди.

Октябрь ғалабасидан кейин РСФСР почта ва телеграфларининг биринчи халқ комиссари Н. П. Глебов — Авилов маркаларни мажлиси кунига эски ҳисобда 25 октябрда муомалага чиқарилиши зарур. Бошқача қилиб айтганда бу кун 1918 йилнинг 7 ноябридир.

Павел Федорович Мазурнинг коллекциясида 1918 йил 7 ноябрь куни Москва почтамтининг тамғаси қўйилган марка алоҳида эътиборга сазовордир. 1 ва 2 рақамли маркалар ҳозирги каталогларда ҳақли равишда дастлабки совет революцион маркаларидир, деб кўрсатилган.


Бу маркалар чиқарилганидан сўнг орадан 50 йил ўтгандан кейингина уларнинг тарихи аниқланди. Маркаларнинг тарихи Ватанимиз тарихининг бир қисмидир.

С. МУТОВКИН.

ҚЎҒИРЧОҚЛАР ТУРК ТИЛИНИ «ЎРГАНИШМОҚДА»

Дарҳақиқат, Тошкент кўғирчоқларига ҳавас қилса арзийди: улар кейинги бир неча йил ичида тўртинчи чет тили — турк тилини муваффақият билан «ўзлаштирмоқдалар». Кўҳна ва тоабад ёш санъат вориси — Ўзбекистон ССР Давлат кўғирчоқ театри Туркияга боради. Мана шунинг учун ҳам томоша залибўш бўлган пайтларда театрда ғалати бир нутқлар янграмоқда. Янги олис сафарга тайёргарлик кўраётган томоша қаҳрамонларининг «овозлари»ни магнитафон лентасига ёзилмоқда.

Тошкентлик артистлар турк томошабинлари учун буюк Навоий достони асосида Фарҳод ва Ширин тўғрисидаги афсонани, Пушкиннинг «Олтин хўроз ҳақида эртак»ини ҳамда Тошкент театрининг энг яхши спектакларининг айрим номерлари ва саҳналаридан тузилган катта кўғирчоқ концертини тайёрладилар.



ЛИТВА ССР. Совет Литвасининг архитектор ва қурувчилари мамлакатимизда биринчилардан бўлиб, қурилишнинг индустриал методи бўйича ишлашмоқда. Улар йирик панелли оригинал архитектура ансамбларини яратишяпти. Бунга қадимги Вильнюснинг Лаздинай турар жой райони мисол бўла олади. Районда қад кўтарган бинолар лойиҳасининг бош архитектори Витаутас Чекананускас оригинал лойиҳа яратгани учун Ленин мукофотига сазовор бўлди.

СУРАТДА: Лаздинай турар жой районининг кўриниши.

Т. Жебраускас фотоси.

ТАСС фотохроникаси.

▲ КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

ШЕЪРЛАРДА ИФОДАЛАНГАН ТАРИХ

Қирғизистоннинг оқсоқол шоири Шамий Тўхтабой ўғли ижодий фаолиятининг олтмиш йиллигини «Қирғизистон денгизи» шеърий тўпламини нашр этиш билан нишонлади. Китобга киритилган шеърларда қирғиз халқининг қарийб бир асрлик тарихи аск эттирилди. 99 яшар шоир ўз асарларида ёшлиги ва ўспиринлик чоғидаги оғир йилларни тасвирлайди. Улуғ Октябрни шарафлайди. Октябрь шарофатидан содир бўлган улкан ўзгаришларни куйлайди.


Бойлар зулмидан узоқ вақт қадди букилган собиқ батрак Тўхтабой революция ғалабаси туфайлигина матбуот сўзининг сирини англаб, хат-саводли бўлди. У ўзи яшайдиган тоғли овулда биринчи ўқитувчи бўлди. Шамий Тўхтабой 1926 йилда коммунистлар партияси сафига кирди. Янги ҳаётнинг фаол қурувчиси бўлган Шамий босмачиларга қарши курашда иштирок этди, саводсизликни тугатишга кўп куч сарфлади. Вақт ўтгач у мактабни ёш ўқитувчилар ихтиёрига топширди, ўзи эса Иссиққўл соҳилида эндиликда Ленин номи билан аталган биринчи колхозни ташкил этди.

Улуғ ўзгаришлар содир бўлган Шамий ҳаётининг ҳар бир янги саҳифаси шеърий сатрларга айланди. Октябрнинг қирқ йиллиги йилида халқ бахшисининг биринчи китоби рус тилида босилиб, чиқди Қирғиз шеъриятининг оқсоқоли — Шамийнинг ўшандан буён бошқа бир қанча тўпламлари нашр этилди. У СССР Ёзувчилар союзининг аъзоси бўлди. Унинг шеърларини барча ёшдаги кишилар севиб ўқийдилар.

Н. КРИВИНЕЦ.
(ТАСС мухбири).

• *Дам олиш соатида*

ЦИКЛОКРОССВОРД



Циклокроссворд сўзлари донрадаги катакларга кўрсатилган стрелка йўналишида тўлдирилади. Шунингдек, ҳар бир номердаги сўз ўзаро икки ҳарф билан кесишади.

1. Коинотни ўрганувчи фан. 2. Ойда уч марте нашр қилинадиган сатирик журнал номи. 3. Радио орқали берилувчи хабар. 4. Денгиз тубида топиладиган қимматбаҳо тош. 5. «Ўзбекфильм» киностудиясида яратилган кинокартина. 6. Тилшунос. 7. Оммавий сайил. 8. Паркент зонасидаги машҳур қишлоқ. 9. Алгебра фанининг бир бўлими. 10. Осиё қитъасидаги давлат. 11. Ўзбек аёлларидан чиққан биринчи академик. 12. Ўзбекистондаги шаҳар. 13. Овоз ёзиб олиб қайта эшиттириш аппарати.

Тузувчи: Анвар МИРЗАЕВ.

4 НОЯБРДАГИ «АВТОМОБИЛЬ» ЧАЙНВОРДИНИНГ ЖАВОБЛАРИ

1. Капот. 2. Тезлик. 3. «КаМАЗ». 4. «Запорожец». 5. Цилиндр. 6. Рама, 7. Автобус. 8. Самосвал, 9. Лихачев. 10. «Волга». 11. Автолавка. 12. Аккумулятор. 13. Радиатор. 14. Ралли. 15. «Икарус». 16. Спидометр. 17. Ричаг. 18. Гараж. 19. «Жигули».

• *Оқшом насибаси*

БАЛИҚ ДИМЛАМА

Лаққа, сазан, карп ёки зоғара балиқдан олиб яхшилаб тозаланади, шапалоқдай-шапалоқдай (100-150 граммли) порция бўлакларига кесилади-да, бир соат давомида намакобга солиб қўйилади. Қозонда озгина ёғ дорланади. Ёққа бир қисм пиёз ташланади, устидан балиқ бўлаклари терилади, яна бир қават пиёз, яна бир қават балиқ, ора-орасига қалампир, мурч, чопилган ошқўк ва саримсоқ парракларидан солинади, бир-икки дона лавр япроғи ва қирқилган укроп солинса яна ҳам хушбўй бўлади. Масаллиқнинг юзи билан баробар сув қуйиб лиқопча бостирилади, қопқоғини буғ чиқиб кетмайдиган қилиб ёпиб, жуда суст, оловга қўйилади. Таом бир ярим икки соат давомида милдираб қайнатилгач пишади.

Тайёр таомни дастурхонга ларганда ёнбошига сабзавотлар ва ошқўқлардан қилинган салатлар билан тортилади. Ҳосил бўлган шўрваси қаср бир меҳмонга пиёлада берилади.

Масаллиқ: икки килограмм дарё балиғи, икки кило пиёз, 100 грамм ёғ (қўй ёки сариёғ), 40 — 50 дона туйилмаган мурч, бир-икки қўзоқ қалампир, бир-икки лавр япроғи, икки боғ укроп, икки бош саримсоқ олинади. Балиқ ивитиб қўйиладиган намакобга тўрт литр сув, 4 ош қошиғида туз керак бўлади.

БОЛ ҚАЙМОҚ

Асалнн сирланган тунука идишга солиб, оловга бир оз қўйсангиз суюлади. Қаймоқни эса бошқа идишда ўтга қўйиб қавлаб турасиз, каймоқ қайнагандан кейин ёғи юзага кўтарилади. Шу пайт эриган асалга қўшиб яхшилаб аралаштирилади. Аралаштиришда пича оқ ун қўшиб юборилса қуюқ тортади.

Дастурхонга илиқ ҳолатида пиёла ёки қиём вазачаларида тортилади.

Масаллиқ: бир стакан асал, ярим литр хонаки қаймоқ, бир ош қошиғида оқ ун керак бўлади.

Карим МАҲМУДОВ.



Одессадаги 4-болалар музика мактабида 700 дан ортиқ ёшлар тарбияланишади. Мана, икки йил дирки мактабнинг бошланғич синфларида 4 —6 ёшдаги болалар таълим олмоқда. Ўқитувчилар коллективи болаларда жуда ёшликдан бошлаб музика қобилиятини оширишга хизмат қилувчи эксперимental ўқув программасини ишлаб чиқишди.

СУРАТДА: ўқитувчи Л. Н. Михайличенко скрипка синфида 4—5 ёшдаги болалар ўртасида машғулот олиб бормоқда.

ТАСС фотохроникаси.

ШУНАҚАСИ ҲАМ БЎЛАДИ

●

ЭНГ ПАҲЛАВОН

Дунёда энг паҳлавон чақалоқ 1897 йили Канадада туғилган. Унинг бўйи 76 сантиметр, оғирлиги 10,7 килограмм эди. Онаси Анни Батеснинг бўйи 224 сантиметр бўлган.

ЭНГ КИЧИК

Дунёда энг митти чақалоқ ирландиялик Тереза исмли қизалоқдир. У ой-кунидан 14 ҳафта илгари дунёга келган, оғирлиги эса бор-йўғи 625 грамм бўлган.

ДИҚҚАТ, ЯНГИЛИК!

«СУВОСТИ» МОТОРЛАРИ

Харьковдаги «Электротяжмаш» заводи «сувости» моторларини ишлаб чиқара бошлади. Эндиликда суғориш системаларида насос станциялари биноларини қуришнинг ҳожати бўлмайди. Сувга чидамли материаллардан тайёрланиб, капсулага жойлаштирилган двигатель сув ҳавзасининг тагига туширилади. Шу двигатель билан ишлайдиган ва катта диаметрли қувурларга уланган насос сувни ўн қаватли уйга тенг келадиган баландликка чиқариб бера олади.

Янги моторларнинг дастлабки туркумлари Россия Федерацияси, Украина, Ўрта Осиё қувурчиларига жўнатилди.

Харьков.
(ТАСС).

ҚУВНОҚ САТРЛАР

▲ Беморнинг хотини унинг ёнига кирмоқчи эди, даволовчи врач қўймади:

— Сиз асло хавотир олманг, — деди хотин врачга. — Мен уни асло ҳаяжонга солмайман, фақат васиятнома ёздириб оламан.

▲ — Ёнингда ҳеч ким йўқ-ку, нега ўзингдан-ўзинг хахолаяпсан?

— Мен ўзимга-ўзим турли латифалар айтиб бераётган эдим, орасидан илгари эшитмаган бир латифа чиқиб қолди.

▲ — Менга бўлган муҳаббатинг сўнибди-да, — сўрабди хотин.

— Нега энди? —ҳайрон бўлибди эри.

— Илгари сен ўзингга таомдан камроқ олиб, кўпини менга берардинг.

— Хотиржам бўл,— дебди эри.— Энди сен илгаригига қараганда таомни анча хушхўр тайёрлаяпсан-да.

▲ — Мен эрим билан уришиб қоладиган бўлсам болаларимни ташқарига ўйнагани чиқариб юбораман.

— Шунинг учун ҳам улар жуда соғлом экан-да. Уларнинг очиқ ҳавога тез-тез чиқиб туриши бир кўришдаёқ сезилиб турибди.

▲ Зоомагазинга газабдан қизариб-бўзарган харидор отилиб кириб келди:

— Бу нима деган гап? Мен кеча мана бу сайроқи қушни сотиб олган эдим, сиз оёғи синганини тутқазиб юборибсиз?

— Нима бўпти? — деди хотиржамлик билан сотувчи. — Сиз қўшиқчи қушни сотиб олгансиз-да, ахир, ўйинчисини эмас-ку.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

ТОШКЕНТ ШАҲРИМИЗ ОҚШОМИ

11 НОЯБРЬ, 1978 й.

БИЛДИРИШ

13 ноябрь соат 18.30 да Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитетининг Сиёсий маориф уйида халқаро мавзуда лекция ўқувчи лекторлар доимий семинарининг навбатдаги машғулоти бўлади.

Унда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пропаганда ва агитация бўлими лектори, тарих фанлари кандидати, доцент М. К. Оролбоев «Маоизм идеологияси ва практикасининг антимарксистик, антисоциалистик моҳияти» мавзуда лекция ўқийди.

Ҳафталик программа

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

13 НОЯБРЬ — ДУШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

17.15 Бадиий гимнастика бўйича Европа чемпионати. Мадриддан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — Янгиликлар. 19.25 «Учинчи йил — зарбдор йил». «Павлодар-Экибастуз комплексининг резервлари». Кўрсатувда Қозоғистон Компартияси Павлодар область комитетининг биринчи секретари В. В. Исаев иштирок этади. 20.10 «СССР халқларининг қўшиқлари ва рақслари». 20.40 «Куз новелласи». Телевизион бадиий фильм. («Ўзбектелефильм»). 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Сизнинг фикрингизча». 22.55 Ҳужжатли фильмлар программаси. 23.40 Янгиликлар.

15.05 Ҳужжатли фильмлар программаси. «Салом, ёшлик!». «Сенинг театринг». «Тенгдош». 15.50 «Совет давлати ва ҳуқуқи асослари». 16.20 «ВЛКСМ 60 ёшда». Марказий кўргазма залидаги Бутуниттифоқ бадиий виставкасидан репортаж. 16.50 П. И. Чайковский номли VI Халқаро конкурс қатнашчиси Г. Немет куйлайди (Венгрия).

Узбекистон телевиденнесининг программаси

17.15 Кўрсатувлар программаси. 17.20 «Юз дўст». Болалар учун телеспектакль. 18.20 Мактаб ўқувчилари учун. «Нурафшон давра» (рус.) 18.50 «Партия планлари — халқ планлари». «Туямўйин — зарбдор қурилиш». 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус). 19.30 Телетомошабинларнинг талабларига биноан. Телевизион театр. А. Несин. «Ҳаёт — аччиқ ҳақиқат». 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Бекобод ва бекободликлар». Телевизион ҳужжатли фильм («Ўзбектелефильм»). 21.00 «Эстрада коллективлари республика конкурсининг якунловчи тури олдидан». Тошкент областидаги «Политотдел» колхозининг «Чен-Чун» ансамбли ижро этади. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Пахтазор — мардлар майдони». 22.15 «Қизил палатка». Бадиий фильм. 1-серия. 23.35 Волейбол бўйича Афғонистон ва Ўзбекистон терма командалари ўртасидаги ўртоқлик учрашуви. «Меҳнат резервлари» кунгилли спорт жамияти спорт комплекси. дан репортаж (ёзиб олинган). 24.00 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 «Тегровни билимдонлар олиб боради». «Динозавр». Фильм-спектакль. 1-қисм (рус.). 20.10 Л. Штанько ва Қозоғистон ССРда хизмат кўрсатган артист М. Мусабоев куйлайди. 21.00 Тошкент янгиликлари.

14 НОЯБРЬ—СЕШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 9.55 «Революция маршали». Телевизион бадиий фильм. 1- ва 2-серияли. 12.00 «Мўъжизасиз—мўъжизалар». 15.00 «Қишлоқдаги оддий иш кунлари». Кинопрограмма. 15.50 «Р. Роллан. Ҳаёт ва ижод саҳифалари». 16.30 «Сиз ардаган бог».

17.00 «Объектив». 17.30 «Асл йигитлар». 18.15 «Атоммаш: қурилиш, завод, шаҳар». 18.30 Янгиликлар. 18.45 «Қувноқ карусель». Мультфильм. 18.55 «Инсон ва қонун». 19.25 «Балет ҳақида». 20.15 «Камилла». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия. (Италия). 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Ҳаҳон халқларининг ижоди». (ГДР). 22.30 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Крылья Советов» — МАСК. МАСК Спорт саройидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — Янгиликлар.

Узбекистон телевиденнесининг программаси

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Жонажон ўлка». 18.30 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Узбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреатлари» (рус). 19.00 «Миллионлар ленинча университета», «Партия маорифи системасида янги ўқув йилининг бошланишига». 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Ижод саҳифалари». М. Шайхзода. Туғилган кунининг 70 йиллигига. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 М. Ашрафий номли Тошкент Давлат консерваториясининг скрипкачилар ансамбли чалади. 21.20 «Энг нурафшон уй». Телевизион ҳужжатли фильм («Ўзбектелефильм»). 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Пахтазор—мардлар майдони». 22.15 «Қизил палатка». Бадиий фильм. 2-серия. 23.35 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 «Тегровни билимдонлар олиб боради». «Динозавр». Фильм-спектакль. 2-қисм (рус.). 19.45 «Саратов опера театри». Телевизион музикали фильм. 20.55 Тошкент янгиликлари.

15 НОЯБРЬ—ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 9.55 «Болаларга ҳайвонлар ҳақида». Ленинграддан олиб кўрсатилади. 10.25 «Нямунас қўшиқлари». Фильм-концерт. 10.55 «Меҳрибон кишилар орасида». Бадиий фильм. 12.15 «Киносаёҳатчилар клуби». 13.15 «Контрастлар». Фильм-концерт. 15.00 Социалистик мамлакатлар ҳужжатли фильмлари программаси. 16.00 «Жонажон табиат». 16.25 «П. Неруда. Ҳаёт ва ижод саҳифалари». 17.05 «Фан оламида».

17.35 «Ўсмирлар учун музикали кечалар». Останкино концерт студиясидан олиб кўрсатилади. 18.30 Янгиликлар. 18.45 «Ўсмирлар учун музикали кечалар» (давоми). 19.30 «КПСС Марказий Комитети июль (1978 й.) Пленуми қарорлари—ҳаётга!». 19.50 «1978 йил қўшиқлари». 20.30 «Камилла». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. премьераси. 2-серия (Италия). 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Ҳужжатли экран». Кўрсатувни шоир Р. Рождественский олиб боради. 23.15 В. Моцарт. Скрипка ва фортепьяно ижроси учун ёзилган соната. РСФСР халқ артисти Э. Грач ва А. Малолеткова ижро этади. 23.35 Янгиликлар.

Узбекистон телевиденнесининг программаси

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Замонавий совет шеъриятининг саҳифалари». Р. Рождественский. Адабиётдан ўқув кўрсатуви (рус.). 12.00 Қиличбозлик. Узбекистон шахсий-команда чемпионати. «Ешлик» спорт аренасидан репортаж (13 ноябрь куни ёзиб олинган).

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 Болалар учун мультфильм. «Куз, ёмғир ва қўзиқоринлар». 18.25 «Езувчилар — болаларга». Х. Пўлат. 18.55 «Партия ходими минбари». 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус). 19.30 «Кино оламида». 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Узбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреатлари Ғ. Ғулом номли колхоз «Қалдиргоч» ашула ва рақс халқ ансамблининг концерти. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Пахтазор — мардлар майдони». 22.15 «Комсомол ёшлигим менинг». Бутуниттифоқ Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзининг 60 йиллигига бағишланган байрам программаси (такрорий кўрсатув) 00.15 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 Болалар учун фильм. «Кичкинтойлар учун физика». 20.30 «Тошкент ва тошкентликлар», «Мусобақа ташаббускорлари ҳузурида (рус.). 21.00 Тошкент янгиликлари.

16 НОЯБРЬ— ПАЙШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9. 00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 9.55 «Китоб сенинг ҳаётингда». 10.35 «Хевсур қиссаси». Бадиий фильм. 12.00 «Халқ ижоди». Телевизион кўрсатув. 12.45 «Сен гимнастикада». Телевизион ҳужжатли фильм. 13.15 М. Глинка номли Ленинград Давлат академик капелласининг чиқиши. Бадиий раҳбар ва дирижёр—В. Чернушенко. 15.00 «Механинг — ҳиболинг». Кинопрограмма. «Пролетарка»лик тўқувчи», «Бизни, унутма, йўл». 15.55 «Сенинг ленинча кутубхонанг». 16.25 «Москва комсомолининг ишлари». 16.55 «БАМни қурувчиларга ҳақида». В. Кладницкийнинг қўшиқ сюитаси. Ленинграддан олиб кўрсатилади.

17.15 «Рус тили». 17.45 «Горничилар, қаердасиз». 18.30 Янгиликлар. 18.45 «Болаларга аталган шеърлар». 19.00 «Биргаликда ахтарамиз». 19.30 «Миллионлар ленинча университета». «Колхоз қишлогининг янгиликлари». 20.00 «Рус романси». СССР халқ артисти О. Бардина ҳамда РСФСРда хизмат кўрсатган артист Н. Некрасов раҳбарлигида Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиосининг рус халқ чолғу оркестри ижро этади. 20.25 «Камилла». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия (Италия). 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 Халқаро Олимпия «Спорт-лото»си. 2-чиқарилиши. Прагадан олиб кўрсатилади. 23.10 Елканли спорт бўйича СССР чемпионати. 23.35 Янгиликлар.

Узбекистон телевиденнесининг программаси

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Балиқчилик ва балиқ бойликларини муҳофаза қилиш». Зоологиядан ўқув кўрсатуви. 12.00 «Дмитрий Алексидзе». Телевизион ҳужжатли фильм. 12.30 «Балиқчилик ва балиқ бойликларини муҳофаза қилиш». Зоологиядан ўқув кўрсатуви (рус.). 13.00 «Қизил шапкача». П. Охунбобоев номли Узбек Давлат ёш томошабинлар театрининг спектакли.

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Қўли гул усталар». Болалар учун мультфильм. 18.15 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Касбим-фахрим». 18.45 «Ишга туширилаётган объектлар сафига». Бухоро ип-газламалар комбинати. 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Шеърият билан учрашув». О. Матчон. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Дирижёр ҳикоя қилади». Кўрсатувни Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Зоҳид Ҳақназаров олиб боради. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Пахтазор — мардлар майдони». 22.15 М. Ашрафий. «Дилором». Самарқанд Давлат опера ва балет театрининг спектакли (давоми). 00.05 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 Болалар учун фильм. 20.00 «Тошкент ва тошкентликлар» (рус.). 21.10 Тошкент янгиликлари.

18 НОЯБРЬ — ШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 9.55 «Москва ҳайвонот боғида». 10.25 «Ота-оналар. Сизлар учун». 10.55 «Советлар ва ҳаёт». 11.25 «Тонги почта». Музикали программа. 11.55 «Музей ва кўргазма заллари бўйлаб». XVIII аср француз живописи. 2-кўрсатув. 12.25 «Ҳаракат хавфсизлиги учун». 12.55 «Спорт-лото» тиражи. 13.10 «Здоровье» программасининг почтаси. 13.55 «Оловли йиллар қўшиқлари». 14.15 «Сени қизиқтирган китоблар». 15.05 Болалар учун. «Дўстим Колька». Бадиий фильм. 16.30 «Ердаги инсон». Қишлоқ хўжалик ходимлари ҳақида кинопрограмма. 17.30 «Никарагуа: Халқ зулмга қарши», «Кўрсатувни сиёсий шарҳловчи А. Дружинин олиб боради. 18.00 «Днепрянка» бандуристлар триосининг концерти. 18.30 Янгиликлар. 18.45 «Ҳайвонот оламида». 19.45 «Виват, Россия!». Фильм-операнинг премьераси. (А. Петровнинг «Петр I» операси оҳанглари асосида). 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Театр ҳақида ҳикоялар». 22.45 Татаристон АССРда хизмат кўрсатган артист Р. Ибрагимов куйлайди. 23.20 «Тарих-нинг мовий ипи». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 23.55 Янгиликлар.

Узбекистон телевиденнесининг программаси

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари куйларининг анъанавий фестивали. (Самарқанддан трансляция пайтида ёзиб олинган). 12.25 «Шеърият мухлисларига». Ж. Камол, А. Эшонов. 12.45 «Майор Бўрон». Бадиий фильм. 1-серия. 14.15 «Узбекистон спорти». 14.45 «Кинокўргудаги хаёт». 15.30 Классик кураш. Совет Иттифоқи Қаҳрамони генерал С. Рахимов хотираси совғини учун Бутуниттифоқ VII анъанавий мусобақалар. «Ешлик» спорт аренасидан репортаж (17 ноябрда ёзиб олинган). 17.30 Кўрсатувлар программаси.

17.35 «Аддар Кўса ва бой». Болалар учун мультфильм. 17.45 «До-ре-ми-фа-соль». Мактаб ўқувчилари учун музикали ўқув кўрсатуви. 18.15 «Унинг номи билан». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. («Ўзбектелефильм»). 18.45 «Ота-оналар университети». программаси (рус.). 19.30 «Севги ҳақида йигирма ва бонг ҳақида бир қўшиқ». «Напрўз» вокал чолғу ансамбли. «Садо» вокал группаси ва «Ритм» рақс группаси ижросида концерт. 20.30 «Ахборот» информацион программаси 20.50 «Тўй тароналари». «Қувонч оҳанглари». Телевизион фильм-концертлар. («Ўзбектелефильм»). 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Пахтазор — мардлар майдони». 22.15 «Мукаддима». Бадиий фильм. 23.40 Кўрсатувлар программаси.

18.00 —21.30 ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.

19 НОЯБРЬ — ЯКШАНБА

РАКЕТА ҚУШИНЛАРИ ВА АРТИЛЛЕРИЯ КУНИ

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 «Заряднага сафланинг!». 10.00 «Будильник». 10.30 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 11.30 «Эртак ҳузурида меҳмонда». «Садко». Бадиий фильм. 2-қисм. 12.40 «Агар ўзинг қурсанг...» Ҳужжатли фильм. 13.00 «Қишлоқ янгиликлари». 14.00 «Музикали киоск». 14.30 «Театр спектакли». Л. Леонов. «Олтин арава». Малая Бронцадаги Москва драма театрининг фильм-спектакли. 16.45 «Халқаро панорама». 17.15 «Бугун — ракета қўшинлари ва Артиллерия куни». Стратегик мақсадлардаги ракета қўшинлари Бош қўмондони, СССР Мудофаа министрининг ўринбосари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, армия-генерали В. Ф. Толубко сўзи. 17.30 Ракета қўшинлари ва артиллерия кунига бағишланган концерт. 18.00 «Оқ орол қизлари». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 18.30 Янгиликлар. 18.45 «Киносаёҳатчилар клуби». 19.45 «Останкино концерт студиясида РСФСРда хизмат кўрсатган артист А. Миронов билан учрашув». 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Салават Юлаев» (Уфа) — МАСК. Уфадан олиб кўрсатилади. 23.45 Янгиликлар.

Узбекистон телевиденнесининг программаси

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 Узбекистон санъат усталарининг концерти. (Санъат саройидан трансляция пайтида ёзиб олинган). 11.40 «Бепоён Ватаним менинг». «Ашхобод». Телевизион ҳужжатли фильм. 12.00 Мактаб ўқувчилари учун «Қувноқ стартлар». Марғилон ва Тошкент шаҳарлари командалари учрашадилар. 13.00 «Майор Бўрон». Бадиий фильм 2-серия. 14.30 «Шахмат мактаби». 15.00 «Кўча ҳаракати хавфсизлиги учун». (рус.). 15.40 «Тошкент саёҳат ва экскурсиялар бюроси таклиф этади». Реклама.

17.30 Кўрсатувлар программаси. 17.45 «Женя лақаби мушукча ва кўча ҳаракати қоидалари ҳақида». Болалар учун мультфильм. 17.50 «Эртага — премьера». Кино-кўрсатув (рус). 18.20 «Халқаро ҳаётнинг актуал проблемалари». 18.45 «Бугун — ракета қўшинлари ва Артиллерия куни». 19.00 «Ракетачилар». Ҳужжатли фильм. 19.10 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.25 «Тошкент тароналари». Телевизион фильм-концерт премьераси. («Ўзбектелефильм»).

19.50 «Шеърият меросидан». М. Шайхзода. Шоир туғилган кунининг 70 йиллигига (рус.). 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Санъаткорлар —ҳосил усталарига». 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Биз Қашқадарёданмиз». Бадиий ҳаваскорлик коллективларининг телевизион фестивали. Кўрсатувда Қашқадарё область ижроия комитети раисининг ўринбосари Н. У. Бегматов иштирок этади. 23.30 Кўрсатувлар программаси.

17.00—23.35 ҚИРҒИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.

ЎҚУВ ПРОГРАММАСИ.
(9-КАНАЛ ОРҚАЛИ)

13. XI. ДУШАНБА

20.30 Ўқитувчилар учун консультация (рус.). 21.20 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Чизма геометрия. 20.15 «Эстетика асослари». «Бадиий образ санъатда борлиқни акс эттирувчи шаклдир». 21.15 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Олий математика.

15. XI ЧОРШАНБА

19.20 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Инглиз тили. 19.50 «Эстетика асослари», «Бадиий образ санъатда борлиқни акс эттирувчи шаклдир». 21.20 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Назарий механика.

16. XI. ПАЙШАНБА

19.20 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Немис тили. 19.50 «Ўқитувчи экрани». 21.10 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Физика.

17. XI. ЖУМА

19.30 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Француз тили. 20.30 Ўқитувчилар учун. Консультация. 21.20 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Химия.

РЕКЛАМА * РЕКЛАМА * РЕКЛАМА * РЕКЛАМА * РЕКЛАМА *

ТЕАТР

НАВОИ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 11/XI да **Дон Карлос**, 12/XI да **Оловиддиннинг сеҳрли шамчироғи** (12.00), **Анна Каренина** (19.00).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 11/XI да **Ғариблар**, 12/XI да **Саҳро тор**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА—11/XI да **Устоз ва шогирдлар**, 12/XI да **Устоз ва шогирдлар**.

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **ҚОЗОҒИСТОН ЦИРК АРТИСТЛАРИНИНГ ҲАЙРЛАШУВ ГАСТРОЛЛАРИ, «МУЪЖИЗАЛАР УЛКАСИ»** (11/XI да 19.30).

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 11, 12/XI да **Аскиячилар, лирик хонандалар ва раққосалар давраси** (19.30).

КИНО

11, 12 НОЯБРДА

ҲУЖЖАТЛИ-ХРОНИКАЛ ФИЛЬМЛАР:

«В. И. ЛЕНИН. СУНГГИ ПОДПОЛЬЕДА»— **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли.**

«РЕВОЛЮЦИЯ ҚУМОНДОНИ,— **Дружба.**

«НАҲДИВ АЗИН» — **Дружба, Чайка.**

«КРАСНОДОНДАГИ МАНГУ АЛАНГА» — **Навоий номли.**

«ТАРИХДА БИРИНЧИ МАРТА» — **Пионер.**

«АППАССИОНАТА; ОКТЯВРЬ ГАПИРАДИ» — **Фестиваль.**

«РЕВОЛЮЦИЯ ҲАҚИДА ХОТИРА» — **Узбекистон 25 йиллиги.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР

«МЕНИНГ ЁКИМТОЙ ЭРКАТОЙИМ» — **Восток, Чайка.**

«ЯРОСЛАВ ДОМБРОВСКИЙ» — **Тинчлик.**

«ВАҲИМА ШИФОСИ» — **Тошкент Советининг 50 йил. лиги номли.**

«ФРОНТ ОРТИДАГИ ФРОНТ» — **Янгиобод.**

ИЛМИЙ-ОММАБОП ВА ХРОНИКАЛ — ФИЛЬМЛАР ПРОГРАММАСИ — **Москва, Дружба, Фестиваль, Мир, Лисунов номли, Восток, Ҳамза номли, Янгиобод, Ғ. Ғулом номли, Гунча, С. Раҳимов номли, Қозоғистон, Чайка, Навоий номли, Узбекистон 25 йиллиги, Кўнча, Пионер, Нунус, Тинчлик, ВЛКСМ 30 йиллиги.**

В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети қошидаги

«БИЛИМ» ЖАМИЯТИ

олий ўқув юртларига кирувчилар учун

ПУЛЛИК ТАЙЁРЛОВ КУРСЛАРИНИ

ТАШКИЛ ҚИЛАДИ

Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида 26 ноябрдан 21 майгача якшанба кунлари соат 10.00 ва 14.00 да қуйидаги фанлардан ўтказилади:

СССР тарихи ва адабиёт;
СССР тарихи ва ўзбек адабиёти;
математика ва физика;
химия ва математика.

ЎҚИШ УЧУН 10 СЎМ ҲАҚ ТЎЛАНАДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Студентлар шаҳарчаси. Тошкент Давлат университетининг маданият саройи. 3-қават, 27-хона. Телефон 46-02-25.

Ўзбек Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

11, 12 ноябрь соат 19.30 да

АСКИЯЧИЛАР, ЛИРИК ХОНАНДАЛАР ВА РАҚҚОСАЛАР ДАВРАСИ

Қатнашадилар:

АСКИЯЧИЛАР:

Мамарозиқ ИСҲОҚОВ, Бўрибой МИРЮСУПОВ, Жамол ЗАИНИДДИНОВ, Жалолиддин РАҲИМОВ, Маъруфжон РАҲИМОВ, Фозилжон СУЛТОНОВ.

Интермедия ва юморда: **Шерқўзи ҒОЗИЕВ, Абдуфаттоҳ САИДОВ.**

ХОНАНДАЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист
ХОЛИСХОН КОДИРОВА

Фахриддин УМАРОВ, Ғуломжон ЁҚУБОВ, Ҳотам Ҳожиев, Ҳасан КАРИМОВ, Ойхон ЁҚУБОВА, Нуржаҳон САТТОРОВА.

РАҚҚОСАЛАР:

Бутуниттифоқ эстрада артистлари конкурсининг лауреати
КАРИМА УЗОҚОВА

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати
ДИЛБАР ФАЁЗОВА

Моҳичеҳра ИСЛОМОВА, Райҳон АБДУЛЛАЕВА.
ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ.

Музика раҳбари — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист **Салоҳиддин ТЎХТАСИНОВ.**

Программани — **ЎТКИР СИДДИҚОВ** олиб боради.

Ўзбекистон ССР Савдо министрлигининг

ТОШКЕНТ ҲУНАР-САВДО БИЛИМ ЮРТИ

1978—1979 ўқув йилига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти баққоллик— кондитерлик, гастрономия, гўшт-балиқ, сут маҳсулотлари, газламалар, тикув буюмлари, пойафзаллар, трикотаж, галантерея, парфюмерия, маданий-маиший ва хўжалик молларининг юқори малакали сотувчи-кондитер-кассирларини тайёрлайди.

ЎҚИШ МУДДАТИ 1 ЙИЛ.

Билим юртига Узбекистон шаҳарларида яшайдиган 15 дан 20 ёшгача (ҳамда Совет Армияси сафида қарбий хизматни ўтаб қайтган 23 ёшгача) **бўлган 8, 9, 10-синф ҳажмида маълумотлилар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.**

Билим юртини тугатганларга «кичик сотувчи», «сотувчи», «сотувчи-консультант», «сотувчи-контролёр-кассир» деган малака унвони берилади.

Билим юртида ўқиш муддати меҳнат стажига киради.

Ўқувчиларга 32 сўм стипендия берилади, етим қолган болаларга, ота-она қаровисиз қолган болаларга ва Улуғ Ватан урушининг I, II группа инвалидларининг болаларига 41 сўмдан стипендия берилади.

Бошқа шаҳарлардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Ишлаб чиқариш практикаси Тошкент шаҳридаги илғор магазинларда: Бош универмаг ва «Гастроном» республика конторасига қарашли йирик магазинларда ўтказилади.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: билим юрти директори номига ариза, маълумоти тўғрисидаги гувоҳнома (асли), туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (асли), турар жойидан справка, таржимаи ҳоли, 286-формадаги медицина справкаси, 3х4 см. катталикдаги 3 дона фотосурат, халқ депутатлари совети шаҳар ижроия комитети савдо бўлимининг йўлланмаси (давлат савдо бўлимининг дирекциясидан йўлланма).

Билим юртининг адреси: Тошкент—173, Чилонзор массиви, 6, Бобир кўчаси, 3-уй (4, 9, 19-трамвайларнинг «Чопон ота», 13, 70-автобусларнинг «Медицина тез ёрдам касалхонаси» бекатлари). Телефон —78-44-30.

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

12 НОЯБРЬ — ЯКШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 «Заряднага сафланинг!». 10.00 Татаристон АССР ашула ва рақс ансамблининг концерти. 10.30 «Будильник». 11.00 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 12.00 «Эртак ҳузурида меҳмонда». «Садко». Бадиий фильм. 1-қисм. 13.10 Локтев номли ашула ва рақс ансамбли кичик группасининг чиқиши. 13.30 «Қишлоқ янгиликлари». 14.30 «Музикали киоск». 15.00 «Театр спектакли». Р. Нэш. «Ёмғир сотувчи». К. С. Станиславский номли Москва драма театрининг фильм-спектакли.

17.30 «Халқаро панорама». 18.00 «Менинг уйим, менинг оилам». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. Мамлакат меҳнат коллективларига бағишланган туркумдан. 18.30 Янгиликлар. 18.45 Мультфильм. 19.00 «Киносаёҳатчилар клуби». 20.00 «Сизнинг хонадонингизда». Музикали программа. 20.30 Бадиий гимнастика бўйича Европа чемпионати. Мадриддан олиб кўрсатилади. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Адабий ўқиш». А. Твардовский. Поэмалар. 22.30 «Чет эл эстрадасининг куйлари ва оҳанглари». 23.15 «Сен оламларга нима ҳадя этасан». Телевизион ҳужжатли фильм.

Узбекистон телевиденнесининг программаси

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 Болгария Хасково округининг бадиий ҳаваскорлик коллективи ижро этади. 10.55 «Ёш киноҳаваскорлар клуби (рус.). 12.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Қувноқ стартлар». Шаҳрисабз ва Каттақўрғон шаҳарларининг командалари учрашадилар. 13.00 «Телевидение экранида биринчи марта». «Саройдан қочиш». Бадиий фильм. 14.15 Реклама ва эълонлар.

17.30 Кўрсатувлар программаси. 17.35 «Боцман». Болалар учун телевизион фильм. 17.55 Болалар учун. «Малышок». 18.25 «Чингиз Айтматов». Ҳужжатли фильм. 18.45 «Оламда нима гап?». 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Юнус Ражабийнинг ижодий меросидан». 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Телевизион миниатюралар театри. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Пахтазор — мардлар майдони». 22.00 «Чорраҳа». Бадиий фильм. 23.45 Кўрсатувлар программаси.

Қирғизистон телевиденнесининг программаси

17.00 Кўрсатувлар программаси. 17.05 «Экран — болаларга». 17.30 «Шаҳар куйлари». Фильм-концерт. 18.30 «Тог болалари». Телевизион фильм. 19.00 Совет Армияси жангчилари учун концерт. 19.30 «Рақс — менинг ҳаётим». Телевизион фильм. 20.05 «Езувчи ва ҳаёт». Қирғизистон халқ езувчиси, СССР Давлат мукофотининг лауреати Т. Сидиқбеков. 21.05 «Саяқбой Қаралаев». Киноочерк. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 Фрунзе кўрсатувларининг охири.

Тошкент Автомобиль транспорти ва йўллар институти ректорати, партия ва жамоат ташкилотлари амалий математика кафедрасининг доценти, физика-математика фанлари кандидати

Рихсивой МУТАЛОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қиладилар.

В. И. Ленин номидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент Давлат университети ректорати, партия ва маҳаллий комитетлари ҳамда гуманитар факультетлар фалсафа кафедрасининг коллективи доцент С. А. Йўлдошева сингланси

Раъно Абдуллаевна ОРИПОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Ўзбек Совет Энциклопедияси Бош редакцияси коллективи масъул котиб Д. А. Мирбобоевга отаси, СССР журналистлар союзининг аъзоси

Аъзам МИРБОБОЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети химия факультетининг деканати ва жамоат ташкилотлари органик химия кафедрасининг катта ўқитувчиси

Насиба Ашрафхоновна АШРАФХОНОВАнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қиладилар.

«Таштекстильшвейторг» коллективи 7-магазин директори А. Умаровга отаси

Абдужамил УМАРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

4 бет. ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

11 НОЯБРЬ, 1978 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700,000; ГСП, Тошкент, Ленин проспекти, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар; партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари— 32-53-10; адабиёт ва санъат— 32-56-81; ахборот — 33-28-95 спорт ва ҳарбий ватанпарварлик ишлари — 32-58-85. хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 38-81-42, 38-81-42; вашриёт диспетчери 32-78-94. вашриёт телефон станциясининг навбатчилари —33-90-50.

Р—03744. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр Д—1455.